

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

***“МАТБУОТ” КАФЕДРАСИ***

**МАЪРУЗА МАТНИ**

***“МАТБУОТ ТАРИХИ” ФАНИДАН***

тузувчи: Д.Усмонов

**Тошкент – 2013**

“



## **Фойдаланиладиган асосий дарслерлар ва ўкув қўлланмалар рўйхати**

### **Расмий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликк таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. 27-июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги. “Халқ сўзи” 2011, 27-июнь.
5. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни 2006 йил 28 июнь. (Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий –хуқукий ҳужжатлар тўплами) –Т., 2010.

### **Асосий адабиётлар**

6. Абдуазизова Н. Туркистон матбуотининг тарихи (1870-1917) – Т.: Академия, 2000.
7. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Академия, 2002.
8. Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.: Академия, 2007.
9. Дўстқораев Б. Бухорода миллий матбуотнинг пайдо бўлиши //Маърифат газ., 2008, 21, 25, 28 июн, 2 июл.
10. Дўстқораев Б. Фарғонада миллий матбуотнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихидан // Фарғона журналистикаси. Т.: Шарқ, 2010, 6-44- бетлар.
11. “История мировой журналистики”. (Муаллифлар жамоаси). М., 2006.
12. Муминова Ф.И. Матералы к курсу «История мировой журналистики». ТашГУ, 1998.
13. Мўминов Ф., Нурматов А. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. Тошкент. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашр., 2006.

### **Кўшимча адабиётлар**

14. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. 1-2- китоблар. – Т.: “Академия”, 2008.
15. Абдукаримов Б. Шарқ мамлакатларида дастлабки ахборотлар (дипл.иши) Т., 1995.
16. “Англия в памфлете”. Английская публицистическая проза начала XVIII века” М., 1887.
17. Введение в мировую журналистику (хрестоматия). – М., 2008.
18. Дўстқораев Б. Ҳурлиқка интилган “Ҳуррият” // Ҳуррият газ., 2008 йил. 19, 26 июл, 3 август.
19. Дўстқораев Б. “Садои Фарғона” саҳифаларида // Моҳият газ., 2008, 26 сентябр. 3 октябр.
20. Кузнецова Т.П., Стрелкова И. П. Ораторское искусство в Древнем Риме. – М., 1976.
21. Дихачев Д.С. Развитие русской литературы X-XVII веков. Эпохи и стили. – Л., 1973.
22. Мўминов Ф.А. Журналистика – ижтимоий институт сифатида. – Т.: Университет, 1998.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ ЎЗБЕК МАТБУОТИ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА

*Бугун янги ўзбек давлатини барпо этар эканмиз,  
биз тарихдан, аждодлар меросидан, уларнинг  
рухи покидан, Туркистон халқларининг  
қадриятларидан, маънавий меросидан,  
санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.*

*И.А.Каримов*

## **РЕЖА:**

- ЎзР Президенти И.А.Каримов асарларида миллий маънавият ва тарихга оид қарашлар мазмуни, ўзбек матбуоти тарихи таҳлили
- И.А.Каримовнинг тарихий мероснинг жамият янгиланишида тутган ўрнига оид қарашлари мазмуни

## **“МАТБУОТ ТАРИХИ” курси**

Мазкур курснинг мақсади талабаларга Ватан ва хориж журналистикастарихига оид далилларни англатиш орқали уларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, умуминсоний қадриятлар ва гуманистик ғояларга таянган ҳолда журналистика тараққиёти қонунларини очиб бериш, бўлажак қаламкашларни машхур журналист ва публицистларнинг фаолияти ҳамда ижодий маҳорати билан таништириш орқали уларнинг касбий савиясини юксалтиришга кўмаклашишдан иборат.

Мазкур курс 3 қисмдан иборат:

1. Ўзбекистон матбуоти тарихи.
2. Жаҳон журналистикаси тарихи.
3. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси тарихи.

## **ИСЛОМ КАРИМОВ МАЪРУЗАЛАРИДАН: МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА ТАРИХГА ҚАРАШЛАР, ТАРИХИЙ МЕРОС, ЎЗБЕК МАТБУОТИ ТАРИХИ ХУСУСИДА:**

- Улкан маданий меросга эгабўлган Туркистон не-не жафоларни кўрмади, не-не тарихларни бошидан кечирмади. Ўтган етмиш йўл мобайнида маънавий қадриятларимиз анча топталди, унутилди. Бугун янги ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аждодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.
- Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг илғор мамлакатларидан бирига айланган(бунга ишончим комил) хур Ўзбекистонда яшайди, она юрт тарихи, мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади.
- Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон ОАВ ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда ОАВга ҳозиргидек эътибор ва раҳбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт хукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсонларимизнинг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу

жараён ҳар бир журналистдан янада жасур, фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратни узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

- Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.
- Ўзбекистон 20 асрнинг сўнгги 10 йиллигида мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносаб ўрнини топди. Улкан техник тараққиёт, шу билан бир вақтда, оламшумул воқеа-ходисалар, қирғинбаротлару сиёсий қалтисликларга бой бўлган юз йиллик ниҳоясида ўз истиқололига эришган Ўзбекистон олдида бир сиёсий тузумдан бошқасига ўтишдек мураккаб ва масъулиятли вазифа кўндаланг бўлди. Худди шу улкан вазифалар қаторига республикада оммавий ахборот воситалари тизимини буткул янги ва замонавий талаблар асосига қуришдек тарихий мақсадлар ҳам бор эди.

#### **“Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир” мъruzасидан 1995 йил 5-май.**

- Бугун биз бу мўътабар инсонлар ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида қурбон бўлганлар мисолида – Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва харакатлардан асраб-авайлаш, химоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек, буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.
- Миллий истиқолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида “Ватан - саждагоҳимдир” деган фикрни баён қиласди. Чиндан ҳам Ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак. Биз она Ўзбекистон истиқололини, унинг шону шавкатини қандай ҳимоя этишни отабоболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.
- Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

#### **“Юксак маънавиятсиз келажак йўқ”(1996 йил 4 сентябрь, “Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувлаги маъруза)**

- Маънавият ва маърифат йўлида меҳнат қилаётган сиз каби аллома ва адилларнинг вазифаси шундан иборатки, соҳибқирон таваллудидек шонли сана муносабати билан халқимиз ичига, ватандошларимиз юрагига янада теранроқ кириб борайлик. Ёшларни буюк тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга ўз хиссамизни қўшайлик. Бу борада матбуот, айниқса, телевидение одамлар билан мулоқотни изчил йўлга қўйиши керак. Бой тарихимиз, маданий меросимиз юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим.

#### **“Озодлик” радиосининг ўзбек шўйбаси ходимлари билан сұхбат” дан(1997 йил 15 январь)**

- **“Озодлик” радиоси:** Демократик ва эркин матбуот қандай бўлмоғи лозим,
- **Ислом Каримов:** Демократия, демократиянинг асосий шарти бўлмиш матбуот эркинлигини таъминлаш, умуман матбуот ҳақида менинг фикрим шундай: жамоатчиликнинг, халқининг ҳокимиётга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади.

#### **“Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асаридан:**

➤ **ёш авлодимизнинг** қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиши таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишида таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мағкуравий масалалар билан шугулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёс, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими – ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришидан иборат. Чунки ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шарти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур.

➤ **Табаррук заминимизнинг** қадрига етиши учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак. Айтиши керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшишида намоён бўлади. Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Маргиноний, Абдулхолик Гижедувоний, Баҳоуддин Нақибанд сингари азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улугбек сингари алломаларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк арбобларимиз, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирларимизнинг номларини, асарларини том маънода қайтадан кашф этдик. Лекин бу улуг аждодларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизатсиясига қўшиган буюк ҳиссасини ёшларимиз биладими? Албатта, билади. Аммо, афсуски, аксарият ҳолларда умумий, юзаки тарзда билади. Айтилик, Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини яратганини, Берунийнинг илмий жасоратини, Амир Темурнинг бунёдкорлик даҳосини, Улугбекнинг бекиёс кашфиётларини, арабларга араб тили грамматикасини ўргатган Замаҳшарий меросини, мана, яқинда Мисрда ҳайкалини ўрнатганимиз Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ўлмас хизматларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё тан оляпти, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиряпти. Шулар қаторида янги тарихимиз давомида Ватанга бўлган меҳри ва садоқатини намоён етиб, истиқололимизни мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг буюк келажаги учун азму шиҷоат намунасини кўрсатиб, шу мақсад йўлида ўз ҳаёти, ижодий фаолиятини тўла сафарбар этган, керак бўлса, азиз жонини фидо етишига ҳам тайёр бўлган муносаб ватандошларимизга багишлаб қанчадан-қанча ижод намуналарини яратиш мумкин эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тасаввур қиласиз. Айни вақтда биз улуг сиймоларимизнинг фақат номларини зикр етиши, уларнинг шуҳратига маҳлиё бўлиши билан чекланиб қолмаяпмизми, деган ҳақли савол тугилади. Ана шундай буюк зотларнинг фаолияти, жаҳон тарихидаги ўрни ва аҳамияти, бугунги ҳаётга таъсирни ҳақида жамоатчилигимизга, ёш авлодгай етарлича маълумот етказиб беряпмизми, деган масала барчамизни ўйлантириши керак. Масалага шу кўз билан баҳо бериб, нима учун бутун дунё аҳли буюк аждодларимизнинг меросини тан олишини, бу улуг зотлар нима ҳисобидан бундай юксак эътирофга сазовор бўлгани, бунинг туб омиллари, сабаблари нимада эканини ҳар томонлама чуқур очиб беришига қаратилган, аниқ тасвиirlар ва далиллар асосида илмий-оммабоп ва маърифий кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар, мақола ва рисолалар яратиляптими-йўқми, яратилаётган бўлса, улар бугунги талабларга жавоб берадими,

*деган саволни ўз-ўзимизга бершишимиз лозим. Афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилаётган ишларни қониқарли деб бўлмаслигини журналистларимизнинг аксарият кўпчилиги ҳам яхши билади. Бу мавзуни ёритишдаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида узоқ гапириши мумкин. Энг асосийси - баъзи ўринларда билим ва малака, ижодий маҳорат ва масъулиятнинг етиши маслиги, десак, тўғри бўлади. Маънавий тарбия соҳасидаги ишларимизга янги туртки бериши учун юқорида номлари зикр этилган улуг сиймоларнинг ҳар бири ҳақида кенг оммага, биринчи навбатда ёшларга мўлжалланган алоҳида маърифий кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, газеталаримизда маҳсус руқнлар ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Таъкидлаши керакки, айниқса, телевидение ва радиода бундай мавзудаги кўрсатув ва эшиктиришилар онда-сонда емас, аксинча, пухта ўйланган тизимили асосда тайёрланиши лозим. Бунда энг замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, ёшларнинг онгига мос, уларнинг қизиқиши ва интилишиларига ҳамоҳанг бўлган, уларни ўзига тортадиган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Узоқ ва зерикарли маърузалардан иборат кўрсатувларни кенг томошибинлар, айниқса, ёшлар қабул қилмайди. Бу йўналишдаги янги лойиҳаларни амалга ошириши учун мамлакатимиздаги энг салоҳиятли олимлар, тарихчи ва адаблар, билимдон мутахассислар иштирокида илмий-ижодий гуруҳлар тузиши, уларга тегишили шароит яратиб бериши, маҳсус грантлар ажратиш масаласини ўрганиб чиқиши зарур.*

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каимовнинг “Матбуот ва ОАВ ходимларига” номли нутқидан. 2009 йил 26 июнь.**

- Агар бундан ўн беш йил олдин республикамида 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил етмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.
- Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлиқ қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиласман. Айни вактда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб кўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди. Шу борада биз ескидан қолган, қўл-оёғимизни кишандек боғлайдиган баъзи бир қолиплардан, овозимизни баралла қўйишга халақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекона қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур. Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг енг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, ўйлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга – бу коррупсия ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими – буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада еркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждан амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим. Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган

яна бир масалага тўхталиш жоиз: бизда раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига итоатгўйлик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ емас. Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйладиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз емас. Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фош қиласидиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулоғидан тортиб офтобга чикарадиган ким бўлиши керак? Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада енг таъсирчан куч – бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мустаҳкам иродада ва ўткир қаламга ега бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдикорларини очиб беришга қодир бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каимовнинг “Матбуот ва ОАВ ходимларига” номли нутқидан. 2010 йил 25 июнь.**

- Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради. Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум. Бу фикри биргина мисол – 1914 йили “Садои Фарғона” газетасининг илк сонида чоп этилган “Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган сайъ-харакатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир” деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.
- Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса ёътиборлидир. Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдига янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймокда. Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга бағишилаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг ёътиборини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқболи учун, ҳаётимизда инсон хукуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун куйиб-ёниб яшashi ҳақида бормоқда.
- Шу маънода, ўзини юртпарвар деб хис қиласидиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳалқаро майдонда муносиб обрў-ёътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-

коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашини тақозо этади, албатта.

- Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиласиган бундай вазифалар ҳакида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳукукий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини мунособ рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.
- Бу хусусда сўз боргандা, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, ахолимизнинг дунёкараши ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каимовнинг “Матбуот ва ОАВ ходимларига” номли нутқидан. 2011 йил 25 июнь.**

- Бугунги қутлугай ёмда ўлкамида мустақил миллий матбуот пайдо бўлган даврдан бошлаб, бу ишнинг тамал тошини қўйган, доимо ҳалқ билан, унинг дарду ташвишлари, эзгу орзу-умид ва интилишлари билан яшаган маърифатпарвар боболаримиз, бу йўлда ўзини фидо қилган инсонларнинг, муҳтарам фахрийларимизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.
- Юртимизда ҳали амалда ўзини оқламаган эски мафкура ҳукмронлик қилган даврларни эслар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, ўша замонда ҳам ахборот соҳасининг жонкуяр намоёндалари, қандай оғир бўлмасин, воқеликни тўғри ёритиш, ҳалқимиз бошидан кечирган машаққатли кунларни юрагидан, қалбидан ўтказиш, яқин тарихимиздаги машъум йилларда миллатимизнинг қадр-қумматини, шаънини ҳимоя қилиш, турли туҳмат ва бўхтонлардан асраш, энг муҳими, миллий қадриятларимиз, ўзлигимизни сақлашда ўзини аямасдан, вижданан хизмат қилганини, мардлик ва маънавий жасорат кўрсатганини бугун катта миннатдорлик билан тилга олишимиз ўринлидир.
- Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгida, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида матбуотимиз катта ҳисса кўшаётганини, бунинг аҳамияти ва моҳиятини алоҳида таъкидлаш ва эътироф этиш зарур, деб биламан.
- Шу борада ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот восталарининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ходисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.
- Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, телерадиоэшиттишлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш кафолатларига оид янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.
- Яна бир масала тўғрисида тўхталишни жоиз, деб биламан. Бу ўринда гап давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот

тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш ҳақида бормоқда. Авваламбор, бу тузилмаларга янги йилдан бошлаб солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилмоқда.

➤ Олдимизда турган яна бир мұхим вазифа борки, у ҳам бўлса, матбуот соҳасида ҳали-бери учраб турадиган ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансаба ўтирган кишиларга итоатгўйлик, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир.

➤ Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўқув методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

➤ Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаш яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа, деб билмаслигимиз керак.

## **Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. 2009 йил 24 июнь(2 июль)**

- Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз ҳалқи учун нафакат ноёб истеъоди, айни пайтда бутун ҳаётини бағишлигар буюк ва мўтабар инсонларни тасаввур етамиз.
- Энг мұхими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган қасбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, ҳалқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.
- Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янгича руҳда ўсиб-улғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай хисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?
- Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай рол ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуrimизни ривожлантириш орқали ҳалқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?
- Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?
- Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?
- Жамиятнинг илғор ва онгли вакилларини бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак мэрраларга ҳалқни даъват этиш, айниқса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни кун тартибига қўйиш ўринлидир.
- Барчамизга аёнки, XX1 аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда

ёзувчининг башариятни ертанги кунини ўйлаб, одамларни езгуликка, инсоф-диёнат, меҳроқибат ва бағрикенгликтан даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

- Яъни, ёзувчи “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилияпсан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.
- Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб факат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.
- Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиз.
- Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт ахлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.
- Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичидаги бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

### **“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан, 2008 йил.**

- Эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган мاشаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. **Ўз тарихини билмайдиган, кечаги қунини унуган миллатнинг келажаги йўқ.**
- **Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир,** десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдигини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз
- Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалимбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адаб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.
- Ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордик чиқарадиган макон вазифасини

бажармоқда, Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагани ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, хис этмаслиги мумкин эмас.

- Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

### **Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2002. Эрназаров Т., Акбаров А.. История печати Туркестана -Т.: Ўқитувчи, 1976.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўп жилдлик асарлар тўплами.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Матбуот ва ОАВ ходимларига” йўлллаган табриклари матнлари
5. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.:Шарқ, 2008
6. Дўстқораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.:2009
7. Авшарова М.П. Русская периодическая печать в Туркестане(1870-1917. )Т.: 1960
8. Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли.-Т.: ФАН, 1993.
9. «Исмоил Гаспиринский ва Туркистон».- Т.: Шарқ, 2005.
10. Зиё Сайд. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. С. -Т.: Ўздавнашр, 1927.
11. Орифжонов Э.Қ. Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари. Т.: 1995.

### **Таянч ибора ва тушунчалар**

**Маънавий таҳдид** – тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айни руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружлар

**Маънавият** – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, вижданини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир

**Миллий мерос** – аждодлар авлодларга қолдирган моддий-маънавий бойлик

### **Мавзу юзасидан назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Матбуот ва ОАВ ходимларига” йўлллаган табрик матнларининг мазмуни ҳақида сўзланг?

2. Президент И.Каримов асарларида матбуот тарихи ва тараққиёти хусусида қандай фикрлар берилади?
3. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарини сўзланг?
4. “Юксак маънавият – енгилмас куч” иборасини шарҳлаб беринг?

## Ўзбекистон журналистикасининг тарихий илдизлари

*Биз Берунийларга, Бухорийларга,  
Амир Темур, Мирзо Улугбек,  
Мирзо Бобурларга ворис бўламиз.  
Биз жаҳон маънавияти  
хазинасини бойитган улуг алломалар  
меросхўримиз. Улкан маданий, маънавий  
меросга эгамиз.  
И.А.Каримов*

*Мозийга қайтиб иш кўриши хайрлидир.  
А.Қодирий*

### **РЕЖА:**

- Ўзбекистоннинг Қадимги Шарқда жаҳон цивилизациясининг илк марказларидан ҳисобланиши
- Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний асарларида публицистика элементлари
- “Қобуснома” – Шарқ бадиий публицистикасининг дастлабки нодир намунаси сифатида
- Ўрта асрларда Марказий Осиёда публицистика равнақи
- Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида ижтимоий ахборот, публицистика белгилари.
- А.Навоий, З.М.Бобурнинг насрый асарларида бадиий публицистика ифодаси.
- Публицистика тараққиётида қўллэзма китобларнинг аҳамияти
- Китоб безаги ва хаттотлик санъати
  
- **Жаҳон журналистикаси тарихидан:**
- **Матбуот тарихининг илк босқичига оид қараашлар:** *М.Худойқулов “Журналистика ва публицистика” китобидан:* “Матбуотнинг дастлабки куртаклари гарчи эрамиздан олдинги даврларда юзага келган бўлса-да, булар айрим мисолларгина бўлиб, тўла маънодаги матбуот дейши қийин. Шу боисдан ҳали матбуот бўлмаган, оммавий ахборот воситалари шаклланмаган даврларда унинг функцияларини бошқа ижтимоий усуллар – жарчилик, хабарчилик, нотиқлик, публицистиканинг вазифасини эса ёзма адабиёт бажариб келган эди”

**Савол:** Юқоридаги келтирилган *М.Худойқулов* фикрида қандай асос бор, матбуот тарихининг тарихий шаклларини бошқа ижтимоий усуллар – жарчилик, хабарчилик, нотиқлик ва ёзма адабиёт билан боғлаши фикрига қандай қарайсиз?

**Професор Н.Абдуазизова, “Миллий журналистика тарихи”:** Қадимда нотиқлик, воизлик қаландарлик кўринишидаги фаолиятлар ҳозирги бизнинг минтақамиздаги журналистиканинг илк кўринишлари сифатида ривож топган.

*Маълумки, ОАВ – шаклан “маълумот етказувчи”, мазмунан “воқеликка муносабат уйготувчи, ижтимоий фикрни шаклантирувчи” воситадир.*

**Бу борада энциклопедия маълумотларига асосланмиз.**

**ЖУРНАЛИСТИКА** - ижтимоий фаолият тури. Ж. тизимидағи ахборот воситалари омманинг кундалик долзарб ижтимоий ва маҳсус ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришида **асосан публицистикага таянади**, шунингдек, муҳим ижтимоий масалаларни талқин қилувчи илмий, бадиий ва б. асарлардан ҳам фойдаланаади. Ахборотни тўплаш, таҳлил қилиши ва тарқатишга йўналтирилган ижтимоий фаолиятнинг дастлабки куртаклари қадим-қадимда пайдо бўлган. Одамлар-ни ижтимоий турмушида содир бўлаёт-ган воқеалардан хабардор қилиши, улар-га ахборот воситасида маълум гоявий-руҳий таъсир ўтказиши турли шакл ва усусларда намоён бўлган. **Оғзаки ахборот нотиқлар, жарчилар томонидан етказилган.** Ёзма маълумотлар эса, мас, Қад. Мисрда папирусларга битилиб, тарқатилган. Қад. Римда эълонлардан, қўлёзмалардан фойдаланилган.

Ҳоз. давр Ж.си дастлаб 17-а. бошида-ги илк даврий босма нашрлар қиёфасида юзага келган.

**ПУБЛИЦИСТИКА** (лот. *publicus* - ижтимоий) — даврнинг ижтимоий-сиёсий ва б. долзарб масалаларига багишланган адабий ижод тури. П.нинг вазифаси ижтимоий фикр уйготиши ва уни шаклантириши, маълум мақсадга йўналтириши, хужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳоз. замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиши ва келажсак фактлари П.нинг предметидир.

Ўрта Осиё ҳалклари тарихида П. анча қадимийдир. П. хусусиятлари «Қобус-нома» (П.-а.)да яққол кўзга ташлана-ди. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Мунишом», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида П.нинг тугал хусусиятлари учрайди. Навоийнинг Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер ва б. хақидаги адабий портретларини публицистик очерклар, деб атаси мумкин. Навоий насрый асар-ларини чуқур тадқиқ этиши уни ўзбек бадиий П.сининг асосчиси, деб атасига имкон беради. Публицистик хусусият ўзбек мумтоз адабиёти асарлари тар-кибига ҳам сингиб кетган. Ўзбекистон-да ижтимоий ҳаётга доир дастлабки публицистик мақолалар «Туркистан вилоятининг газети» саҳифаларида чоп этилган.

➤ **Ўзбекистонни Қадимги Шарқда жаҳон цивилизациясининг илк марказларидан хисобланиши** – Тарихий хужжатлар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон худуди Қадимги Миср, Месопатамия, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон сингари илк цивилизация ўчоқларидан хисобланади. Бу ердаги табиий шароит, иклимининг яшаш учун мослиги, табиий озуқа топиш имкониятининг мавжудлиги сингари қулагилклар туфайли инсониятнинг илк вакиллари қадимги тош асиридан бошлиб Ватанимиз сарҳадларида яшаб келганлар. Жумладан, Тошкент ҳудудидаги Кўлбулоқ манзилгоҳида синантроп одамига қариндош авлоднинг яшаганлиги ва бу эса 700-1-1,5 млн йиллик тарихимиз мавжудлигини кўрсатади.

**Ўзбекистон ҳудуди илк тамадден ўчоқларидан бўлганлиги сабабли** ҳам бу ерда қадимги шаҳар-давлатларнинг нисбатан эрта пайдо бўлганлиги бу ерда қадимги маданият марказларидан бири пайдо бўлишига олиб келди. Дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ривожланиши натижасида маданият ва санъат, дин ҳам ривожланди. Айниқса, журналистиканинг тарихий илдизлари қадимий динлар билан боғлиқдир. Жумладан, илк ноширикнинг пайдо бўлишида ҳам диннинг ўрни катта.

**“АВЕСТО”.** Туркистан ҳалқлари, жумладан, ўзбек ҳалқ оғзаки ва ёзма ижодининг тарихий томирлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Биз яшаб турган заминда яратилган дастлабки китоблар қадим-қадим замонларда – қабилачилик даврида вужудга келган эди.

Тарихчилар таърифига кўра, “Авесто” – авваллари олтин тахтага ёзилган ва кейинчалик мураккаб ва кўп қатламли, ёйма-ёйма 12 минг ошланган мол терисига тилло сувида сарой

котиблари томонидан битилган муқаддас ҳикматлар китоби. Ана шундай муқаддас китоблардан яна бири Қуръони каримдир. Қуръон тарқоқ ҳолда ясси тош таҳтачалар ва хурмо пўстлоқларига ёзилган эди. Қуръони мажиднинг китоб ҳолига келтирилган дастлабки мажмуаси “Усмон Мусҳафи” эса кийик терисига ёзилган.

“Авесто” – тарихий ва археологик маълумотларга кўра, “Авесто”ни энг қадимги ёзма манбалардан бири сифатида тилга олиш мумкин. Зардустийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” милоддан аввалги 7-6 асрларда қадимий Ўрта Осиё ҳудудида яратилган. Кийик терисига ёзилган мазкур асар аждодларимиз ақл-идрокининг буюк ифодасидир.

Таъкидлаш керакки, “Авесто”нинг дастлабки қисмларида ўша даврда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган давлатлар, будавлатларнинг Эрон билан Афғонистонга қўшни ҳудудлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Унда мазкур ҳудудда яшовчи ҳалқларнинг турмуш тарзи, оғиздан оғизга кўчиб юрувчи эпик достонлари, тоф ва водийлари, дарё ва кўллар, кенг яйловлар ва зилол сувлар ҳақида маълумотлар жамланган. Шунингдек, ерли аҳолининг ўтроклашуви, дехқончилик қилиш, иморат қуриш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилади.

“Авесто”да дунёнинг яратилиши, инсоннинг ҳалқ бўлиб жипслашуви, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

“Авесто” нафақат одамзод, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳаво ҳам муқаддаслиги ҳақидаги китобдир.

“Зардуст илоҳ Ахурамаздан сўради:

- Эй Ахурамазда! Заминни ҳаммадан ҳам баҳтиёр қилувчи зот ким?

Ахурамазда жавоб берди:

- Эй Зардуст! Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёrlаса!..Кимки ғалла экса, у Ҳақиқатни экади”.

Зардуст таълимоти, “Авесто”да олға сурилган эзгу ният, эзгу қалом ва эзгу амал ҳамон инсониятни эзгуликка чорлаб, одамларни руҳан поклаб, маънавият чамани сари етакламоқда.

(“Авесто”нинг тўртдан бир қисми сақланиб қолган(83 000 сўз)

“Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган ҳалқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз кўҳна Хоразм заминида “Авесто” пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади”.

**ИЛОХИЙ КИТОБЛАР. МАТБААЧИЛИК**, диний тарихга кўра, инсониятга берилган учинчи улуғ неъмат экан. Одам алайҳиссаломга фарзанд кўриш, Шис лайҳиссаломга либос учун мато тўқиши, Идрис алайҳиссаломга ҳарф ёзиш Аллоҳ таоло томонидан ато этилган экан. ...Чунончи, ўзбек тилига араб тилидан ўзлаштирилган “дарс”, “мадраса”, “мударрис” каби таълимга оид истилоҳлар ҳам “Идрис” киши номига бориб тақалади.

“Таврот” – Мусо(яхудийлар)

“Забур” – Довуд алайҳиссалом

“Инжил” – Исо алайҳиссалом(насронийлар)

“Қуръони карим” – Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам(мусулмонлар)

Қуръони карим “Ўқимоқ” маъносини англатади. 610 йил Рамазон ойининг 24-кунида нозил бўлган. 651 йилда Қуръон мавзулари матни охирига етказилади.

**“ЎРХУН-ЕНИСЕЙ” БИТИКЛАРИ.** Профессор Н.Абдуазизова, “Миллий журналистика тарихи”: Илк ёзма ёдгорликлардан “Ўрхун-Енисей битиклари” публицистик чақириқ руҳига тўлалиги билан ижтимоий фикр жараёнига таъсир кўрсатган. Ўрхун-Енисей

*битиклари нафақат бадиий адабиётнинг, балки журналистиканинг ҳам қадимий ва илк намунасиdir.*

Тош битиклар тарихгина эмас, балки юртимиздаги журналистиканинг ҳам илк ёдгорликлари, десак янгишмаймиз.

**Тўнюқуқ битиги** юксак савияда ёзилганлиги, ҳокимиятни сақлаб қолишга ва ижтимоий фикр жараёнига кучли таъсир кўрсатганлиги билан аҳамиятлидир. У сиёсий-ижтимоий шархлар, давлат арбобининг фаолияти, салтанатни бошқариш тажрибалари тўғрисидаги мулоҳазалари сифатида эътиборлидир. 8 аср(712-716 йилларда битилган) тарихидан ахборот берувчи бу манба турк хоқони Элтаришнинг саркардаси Тўнюқуқقا бағишиланган. Унда лашкарбошининг фаолияти, юрт мудофааси ва бошқарувига доир тадбирлари ҳикоя қилинади. Улуғ ноиб ўз фаолиятини баён этар экан, яна шундай дейди: “Қопағон хон 27 ёшида тахтга чиқди, кундуз ўтирмади, кеча ухламади. Мен ҳам қизил қонимни тўкиб, қора теримни оқизиб, унинг хизматида бўлдим. Элтариш хоқон ҳиммат қилмаса ёки ишламаса эди ва мен ҳам ишламасийдим, бирлашган турк юрти эгасиз қоларди. Улар билан бирга бўлганим боис турк миллати бирликка эришди. Бугун Билга хоқон ана шу хизматларнинг шарофати билан Турк ва Ўғуз миллатини идора этмоқда”.

**Култегин битиги.** Ўша давр ойномаси вазифасини яна бир ёдгорлик – турк хоқони Элтаришнинг кичик ўғли Култегин қабрига қўйилган битиктош ўтайди. У 731 йил қирк етти ёшида вафот этган Култегин битигидаги барча воқеалар унинг акаси Билга хоқон тилидан ҳикоя қилинади.

Мазкур номада Билга хоқоннинг оға-иниларига, қариндош-уруғларига, халққа мурожаат қилиниб, уларнинг эътиборсизлиги ва соддалиги натижасида туркларга кўп фалокатлар келганлиги уқтирилади ҳамда бўлиб ўтган воқеалардан хulosса чиқаришга, миллат манфаатлари учун курашишга давват этилади: “Эй турк халқи, тўқис ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танимайсан. Ўшандайлигинг учун ҳоқоннинг сўзини олмай ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг. Ўша ерда қолганинг ҳар ерда ўлиб тирилиб, зўрҳа юрган эдинг...Хоқон бўлиб йўқ қашшоқ халқни оёққа турғиздим. Қашшоқ халқни бой қилдим. Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни тошга ўйиб ёздирам. Адашиб айрилганингни ҳам бу ерда ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиғи халқи, беклари. Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк қўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар. Мен мангу тошга ҳаммасини ёздим”.

Миллатчилик ва давлатчилик тарихида муҳим аҳамиятга молик ушбу манбада юрт бошлигининг кўнгил фарёди ўзининг амалий ифодасини топган. Мазкур битикни миллат манфаатлари йўлида курашган, ғалаба ва мағлубият аламларини тотган, келажак авлод тақдири учун қайғура олишга қодир шахсгина ёза олиши мумкин.

Бу муҳим манбаларда аждодларимизнинг тили, тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, бадиий ижодлари билан бир қаторда давлат юритиш тартиб-қоидалари ҳам кенг қамровда акс эттирилган. Ушбу тартиб-қоидалар шахсий манфаатлар юзасидан эмас, балки умуммиллат манфаатлари юзасидан келиб чиқиб баён этилади. Ўрхун-Енисей битикларида акс эттирилган давлатни бошқариш хусусидаги фикрлар, қарашлар бугунги қонунчилигимиз асосларига жуда монанд. Бу эса ўз навбатида демократик давлат қуриш ғояси ва бу йўлдаги саъй-харакатлар азал-азалдан халқимиз дунёқарашининг асосий тамойилларидан бири эди, деб хulosса чиқаришимизга имкон беради.

**“Девони луготит турк” асари.** Ўзбек халқи шаклланишининг иккинчи босқичи ва ўша даврдаги салтанатлар тарихи ҳақида ёзма ёдгорликлар ҳам ўзига хос ахборот воситаси вазифасини ўтайди. М. Кошҳарийнинг барчага маълум ва машҳур “Девони луготит турк” асари ана шундай бебаҳо дурданалардан ҳисобланади. “Девони луготит турк” туркий халқларнинг исломдан бурунги ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи ягона асадир. “Девон”да билим,

олимлик фазилатини улугловчи кўп шеърлар йиғилган. М.Кошфарий оталар номидан фарзандларга мурожаат қилиб, олимларга яқин бўлишни, улардан илм ўрганишни, манманлиқдан, кибру ҳаводан, узоқлашишни қайта-қайта таъкидлайди.

*Эшитиб ота-онангнинг*

*Сўзларини қадрла*

*Молу мулкинг кўпайса*

*Мағурурланиб қутурма.*

**Алишер Навоий.** Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, бадиий-публицистик асарлари “Муншаот” тишпламида жамланган. Бу асарда хат публицистикасининг асосий белгилари шаклланган.

**“Бобурнома” асари.** З.М.Бобурдан қолган “Бобурнома” асари Туркистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид маълумотларни ўз ичига олган ва ўша давр ўзбек адабиёти, публицистикаси ва тилининг ёрқин намунасиdir.

Бобур бирор юрт ҳақида гапирап экан, албатта, унинг қисқача тавсифини бериб ўтади. Ахли, миллати, табиати, ер-суви, географик иқлими, тарихи кабилар шулар жумласидандир. Бобур қайси ўлка ҳақида гапирмасин, ана шу анъанага содик қолади.

“Бобурнома”нинг оламшумул аҳамияти шундаки, Бобур ўзининг субъектив қарашларидан қатъи назар, ҳар бир воқеага аниқ факт ва далиллар билан ёндошади. Асадаги бош мезон аниқлик ва ҳаққонийликдир. Буни биз сиёсий ва адабий портретлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бобур ўз оғайниси Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида қуидагиларни рўйрост ёзади: “Ахлоқ ва атвори: яхши эди. Намозни тарқ қилмас эди... Зулм ва фисққа кўп машҳул эди. Муттасил чоғир ичар эди. Табъи назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яъшироқдур”.

Бобур воқеа қаерда кечаетганилигини баён этар экан, ўша ўлканинг тарихида ва замонасидаги машҳур беклари, амирлар ва подшоларининг сиёсий портретини, яъни наслу насли, давлатхоҳлиши, қилган яхши ва ёмон ишлари, феъл-атвори ва ҳоказоларни батафсил баён этади.

Инсон қандай бўлиши керак, у ўзининг оддий бандалик бурчини ўташ учун нималарга қодир, ўткинчи дунёнинг ҳою ҳавасларидан устун тура оладими, йўқми, кишидан яхши ном қолиши учун у ўзини қандай тутиши керак? Бобур ана шу саволлар доирасида асадаги ҳар бир персонажга муносабат билдиради. Бир қанча шеърий асарларида ҳам шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиласи.

*Тилаган муродига етса киши,*

*Ё муродин тарқ этса киши,*

*Муяссар бўлмаса оламда булар*

*Бир сорига бошин олиб кетса киши,*

*Рубоийси ҳамда*

*Ким кўрибди, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиқ,*

*Кимки андин яхши йўқ, кўз туттма ондин яхшилиқ.*

Деб бошланувчи ғазали ҳам инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳақидаги қарашлардан иборат. Худди шундай фалсафий-публицистик асос “Бобурнома”да ҳам етакчи ўрин тутади.

Бу асадаги адабий портретларга 15 асрнинг забардаст шоирлари А.Жомий, А.Навоий, М.Солиҳ, Мавлоно Бинойлар тўғрисидаги чизгилар мисол бўла олади. Масалан, Навоий ҳақида шундай дейди: “Алишербек назири йўқ киши эди. Турний тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас”

“Бобурнома”нинг ҳар бир саҳифасида таҳлилий публицистика ва бадиийлик уйғунлашиб кетганлигини кўриш мумкин.

Афғонистон, Хиндистон мамлакатларидағи воқеалар зикри давомида муаллиф у ерларнинг табиат манзаралари, наботот олами, паррандаю даррандаларини ёрқин бўёкларда гавдалантирадики, булар беихтиёр лавҳа, чизги, қатраларни ёдга солади.

**“Бобурнома”** чин маънода 16 аср журналистикасининг шоҳ асари, ўзбек бадиий адабиётининг ноёб ёдгорлиги деб дадил айтишимиз мумкин.

**Хулоса қилиб айтганда,** ўзбек журналистикасининг тарихий илдизлари, ўлкада оғзаки ва ёзма ахборот шаклларининг таркиб топишига бориб тақалади. Дастрлабки ёзма матнларда ҳам, ўтмишдаги ўзбек адиллари ва алломаларининг ижодида ҳам ижтимоий ахборот ва публицистика белгиларини кўришимиз мумкин. Аммо Туркистонда оммавий ахборот турлари бўлмиш газета ва журналларни нашр этиш эса 19 асрнинг иккинчи ярмидан, чоризм истилосидан кейин бошланган.

## ТУРКИСТОНДА ДАВРИЙ МАТБУОТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

### Режа:

1.“Туркестанские ведомости” 1917 йил **нашрлари**

2. Цензура ва телеграф агентлиги

1870 йилнинг 28 апрели(10 май)да рус тилида “Туркестанские ведомости” газетасининг 1-сони босилиб чиқди. Россиянинг бошқа губерна ва областларидан фарқли ўлароқ, газетага мухаррир этиб ҳарбий киши- Н.А.Маев тайинланди. У Ўрта Осиёни тадқиқ этишда географик ва этнограф сифатида иштирок этган бўлиб. Бу соҳага оид бир қанча китобларнинг муаллифи эди. Маев газетага 1870 йилдан 1892 йилгacha мухаррирлик қилган.

Дастрлабки беш йил давомида “Туркестанские ведомости”га генерал-губернатори фон Кауфманнинг ўзи мухаррир бўлган. Бунинг боиси бор, албатта. Фон Кауфман “Туркестанские ведомости”ни ташкил этар экан, ўлкани колония тарзида ўзлаштиришда газета зиммасига бир қанча муҳим вазифаларни юклиди. Энг аввало, газета истилочиларда босиб олинган Туркистоннинг ҳақиқий хўжайнларимиз деган туйғуни шакллантириш, уларда маҳаллий аҳолига хукмонлик қилиш иммунитетини ҳосил қилиши лозим эди. Шу боис газетада Россия аскарларининг, командирларининг босқинчилик урушларидаги шижаот ва мардликларини ( аслида, беражмликларини, ёвузликларини) кўкларга кўтариб мақтар, маҳаллий аҳолини турли баҳоналар билан ерга уришга, унинг шаънини синдиришга уринарди.

“Туркестанские ведомости” газетасида рус олимлари, шарқшуносларидан мақолалари эълон қилиниб турган. Бир қараганда, рус олимларининг бу ишлари табиий ва иқлимий қийинчиликларга қарамай, ўлканинг истиқболини ўйлаб илмий тадқиқотлар олиб борган фидоийликдек туюлади. Аслида эса, бу Туркистонни Россиянинг колонияси сифатида ўзлаштириш, унинг ер юзи ва ер ости бойликларидан фойдаланиш, миллий зулм занжирига боғланган маҳаллий аҳолининг миллий-озодлик қурашига отланишининг олдини олиш учун унинг характерини, турмуш тарзи ва психологиясини чуқурроқ ўрганишдан иборат бўлган катта сиёsatнинг узвий бир халқаси бўлган.

**“Туркестанские ведомости” газетасида мақолалари билан иштирок этган  
рус олимлари**

В.В.Бартольд,	Л.С.Берг	Н.А Северцев	А.П.Федченко
---------------	----------	--------------	--------------

И.В.Мушкетов	В.Ф.Ошанин		
--------------	------------	--	--

**“Туркестанские ведомости” газетасининг материаллари расмий ва норасмий қисмларга бўлинган:**

- 1 “Внутренние известия” (“Ички хабарлар”),
  2. “Известия и заметки” (“Хабарлар ва қайдлар”),
  3. “Иностранные известия” (“Чет эл хабарлари”),
  - 4 “Местная хроника” (“Маҳаллий хабарлар”),
  - 5 “По краю” (“Ўлка бўйлаб”),
- “Санкт Петербург” руқнилари остида материаллар бериб борилган.

**“Туркестанские ведомости” 1917 йил 15 декабргача қуйидагича нашр қилинган**

1870	1871	1903 йил декабридан	1907 йил	Жами: 48 йил ичида.
17	ҳафтада бир	уч марта	июнидан ҳар куни	640 сони чиққан

Газетага 1872 йилдан Туркистон генерал-губернаторлик маҳкамасида таржимон бўлиб ишлаётган татар Шоҳимардон Иброҳимов муҳаррир этиб тайинланади.

Дастлабки йили 8-сони чиққан, шундан бир сони ўзбек, қолган етти сони қозоқ тилида чиққан. 1971 йилдан бошлаб газета икки тилда ҳафтасига тўрт мартадан, икки марта қозоқ, икки марта ўзбек тилида чиқа бошлайди. 1882 йили генерал-губернаторлик девонхонасида таржимон бўлиб ишлаётган Ҳасан Чанишев деган киши ҳам бир оз муддат муҳаррирлик қилган. 1883 йилга келиб газета илова эмас, мустақил нашрга айланди ва ўзбек ҳамда рус тилларида чиқа бошлайди. Ушбу йилнинг январидан унга муҳаррир этиб машҳур мисионер Н.П.Остроумов тайинланиб, 1917 йил мартгача бу вазифани бажарган. Газета зоҳирлан ўзини холис йўл тутаётгандек кўрсатса-да, аслида, Остроумов маҳаллий аҳолига хукуматнинг колониал сиёсатини ниҳоятда усталик билан сингдиришга интилган. Газета рус тили, адабиёти, маданияти, маориф тизимини кенг ташвиқ этади

“Русский Туркестан” газетаси эса, Тошкентда 1898 йилдан 1907 йилгача нашр қилинган. Газетада Туркистон ва Еттисув вилоятлари шаҳарларини ўрганишга бағишлиланган мақолалар. Маҳаллий хабарлар шунингдек театр такризлари ҳамда фельетонлар босилиб турган. Газетанинг ношири дастлаб А.А.Сморгунер, муҳаррири И.И.Гейер бўлишган, кейинчалик у босмахона ширкати ходимларининг тасарруфига ўтган.

1899 йилдан 1918 йилгача нашр қилинган “Асхабад” газетаси рус буржуазиясининг энг кўзга кўринган газеталаридан бўлган. У адабий-бадиий, савдо-сотик, саноат, сиёсатга оид материаллар чоп этган, шунингдек маҳаллий ҳаётни ҳам яхши ёритган. У Ашхобод шаҳрида З.Д.Жакров томонидан нашр этилган бўлиб, “Маҳаллий хабаралар”, “Россия бўйлаб”, “Чет эл хабарлари”, “Матбуот акс-садолари” ва “Таҳририятга мактуб” каби рубрикалар остида материаллар бериб борган.

Самарқандда “Окраина” деган хусусий газета чиқарилган. У 1890 йилдан 1898 йилгача дастлаб ҳафтада бир марта, сўнг 2-3 мартадан нашр қилинган. Мазкур газетага брошюралар кўп илова қилиган. Тўрт йил ичида 25 та брошюра унга илова тарзида чиқарилади.

**ЦЕНЗУРА ВА ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИ**

Туркистонда телеграф пайдо бўлиши билан бирга цензура қўмитаси ва телеграф агентлиги ҳам юзага келди. 1881 йилда Н.Остроумов Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузурида маҳаллий цензура қўмитаси таъсис этишни таклиф қилганди. Генерал-губернаторлик бу таклифни қабул қилмай, ҳар бир нашр учун махсус цензор тайинлашга карор қилади. Лекин бундай тартиб узоққа чўзилмайди. 1883 йилда маҳаллий цензура бекор қилинди. Барча маҳллий нашрларга Петербургдаги бош цензура қўмитаси рухсат берадиган бўлди.

1881 йилда чор ҳукумати барча матбуотнинг ўзига маъқул ва зарур материаллар билан таъминлаш мақсадида марказий телеграф агентлигининг ташкил қилади. Ўша йилнинг октябринда Тошкентда ҳам Рус телеграф агентлигининг бўлими ташкил қилинади. Унга бошлиқ этиб “Туркестанские ведомости” газетасининг муҳаррири Н.Маев тайинланади. Лекин бу ният амалда рўёбга чиқмагани кейинчалик маълум бўлади. 1882 йилнинг 23 майида Шимолий телеграф агентлиги (Северное телеграфное агенство – СТА) ташкил қилинади. Мана шундан сўнг СТА телеграммалари Туркистон ўлкасидаги маҳаллий газеталарда эълон қилина бошлади. 1882 йилнинг охирига келиб Туркистоннинг барча катта шаҳарларида мазкур агентликнинг муҳбирлик тармоқлари ташкил этилганди.

### **Тавсия этилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдулла Авлоний. Бурунғи ўзбек матбуоти тарихи. //”Туркистон” газ., 1924, 21 июн.  
Қайта нашри: “Миллий уйғониш” тўплами. ТошДУ нашр., 1993.
2. Пидаев Т.Р.- Ўзбекистон матбуотининг ўтмиш ва кечмиши.Ўзбекистон матбуоти,1996,2,3,5-сонлар
3. Эрназаров Т., Акбаров А.. История печати Туркестана -Т.: Ўқитувчи, 1976.
4. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.:Шарқ, 2008
5. Дўстқораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.:2009
6. Чўлпон. Туркистонда матбуот. //”Фуқаро фуюзоти” журнали (Боку), 1920, 1- сон. Қайта нашри: “Жамият ва бошқарув” журн., 1998, 2- сон.

### **Таянч ибора ва тушунчалар**

**“Туркестанские ведомости”** - Туркистонда чор маъмурлари томонидан чиқарилган дастлабки даврий нашр

**«Туркистон вилояти газети»** - “Туркестанские ведомости” газетасига илова тарзида чиқа бошлаган Туркистондаги дастлабки туркий тилдаги даврий нашр

**Цензура** – матбуот устидан идора қилиб турувчи давлат идораси

**“Окраина”** – Самарқандда чиқарилган хусусий газета

### **Назорат саволлари**

1. Туркистонда туркий тилда чиқкан дастлабки даврий нашр қайси?
2. Рус тилидаги хусусий нашрлар қайслар ва улар қачон чиқарилган?
3. Туркистонда Телеграф агентликлари қачон пайдо бўлди?
4. Туркистонда матбуот устидан цензуранинг ўрнатилиши?
5. Рус маъмурлари томонидан чоп этилган дастлабки даврий нашр?
6. «Окраина» газетаси қачон, қаерда чиқарилган?

7. 1917 йили «Туркистон вилояти газети»га ким мұҳаррирлик қылған?
8. Шимолий телеграф агентлиги қачон ташкил этилди.
9. «Туркистон вилоятининг газети» қайси газетага илова тарзида чиқарылған?

#### **Мустақил таълим**

1. “Туркистон вилояти газетида” миллий зиёлілар томонидан чоп этилған мақолаларни ўрганиш.

## **ТУРКИСТОНДА РУС ТИЛИДА ЧИҚҚАН ДАСТЛАБКИ ХУСУСИЙ ГАЗЕТАЛАР. ТУРКИСТОНДА СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ЙЎНАЛИШДАГИ МАТБУОТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

### **РЕЖА:**

- Ўлкада хусусий матбуот нашрлари пайдо бўлишининг сабаблари. “Окраина” (1890-1898) газетаси ўлкадаги биринчи хусусий нашр. Хусусий газеталар тармоғини ўсиши. “Закаспийское обозрение”, “Русский Туркестан”, “Асхабад” ва бошқа матбуот нашрлари йўналиши ва мазмуни.
- Туркистонда ишчилар харакатининг пайдо бўлиши. Ўлкада “Искра”, “Вперед”, “Пролетарий”, “Правда” каби марказий большевикча газеталарнинг ҳамда бошқа инқилобий адабиётларнинг тарқалиши.
- Маҳаллий социал-демократлар нашрларини ташкил этиш борасида кўрилган тадбирлар. “Рабочий”, “Солдатский листок Правда”, “Рабочий листок - Молот” газеталари. “Русский Туркестан”, “Асхабад”, “Самарқанд” каби хусусий рўзномаларида социал-демократик ғояларни тарғиб қилиш. “Ташкентский рабочий” газетаси (1892 йил).

XIX асрнинг охирига келиб Туркистонда «Туркестанские ведомости ҳамда «Туркистон вилоятининг газети»дан ташқари расмий ва хусусий газеталар юзага келади. Ўлкада матбуотнинг тараққий топишига бу ерда XIX асрнинг охирги чорагига келиб хусусий босмахоналарни пайдо бўлиши ҳам омил бўлган.

Туркистонда 1907—1914 йиллари, гарчи кўплари тезда ёпиленган бўлса-да, 20 дан зиёд катта-кичик тош ва мих босмахоналар ишлаган. Уларда китоблар билан бирга, хусусий газета ва журналлар ҳам босилган.

Дастлабки хусусий газета Самарқандда рус тилида «Окраина» номи билан 1890 йилда чиқди. Мухаррир ва ношири Н. В. Полторанов. У сиёсий, ижтимоий ва адабий газета бўлган, 1894 йилдан «сиёсий» деган атама олиб ташланган. Ташкил қилинган йили кундалик, 1891 йилда ҳафтасига уч марта, 1894 йилга келиб ҳафтасига икки марта, тугагунча (1898 йил 6 ноябрь, № 107) ҳафтасига уч марта чиқкан. 1894 йилнинг 1-сонидан 62-сонигача П. Ф. Брейденбах, ундан кейин С.И. Петухов газета муҳаррири бўлган. Газета таҳририяти 1894 йил 1 январдан Тошкентга кўчади ва шундан бошлаб унга С. Петухов ноширлик ҳам қиласди. Газета Самарқандда нашр этилган тўрт йиллик муддат ичida унга бепул илова тарзида 25 та алоҳида брнира чиқарилган. Булар орасида «Закаспий ҳарбий темир йўли тўғрисида лавҳалар», «Туркистон кўчманчилари», «Илмий маслаҳатлар мажмуи», «Фаргоне водийси», «Искандар ариги» кабилар бўлган. 1897 йилдан газета телеграмма ва рақаларини илова тарзида чиқариб турган. Газета саҳифаларида география, тарих, иқтисод, ҳалқ маорифига оид мақолалар босилган. «Окраина»нинг жойлардан хабарлар, маҳфий хабарлар, турли хабарлар, театр тақризлари сингари бўлимлари бўлган. Таҳрирят Тошкентга кўчгач, газетада ўлкашунослар Н. Ликошин, Н. Хаников на А. Диваевларнинг мақолалари тез-тез босилиб турган. К.Тимаев, Гейер, О. Шкапский, С. Лидский, А. Касаткин, Ю.Якубовский ва Л.Басовалар газетанинг ижодий ходимлари бўлишган.

«Окраина» газетаси хусусий булгани учун ҳам ҳукуматнинг расмий газеталаридан нисбатан либераллиги билан ажralиб турган. Албатга, «Окраина» ҳам Россиянинг босқинчилик сиёсатини кўллаб-қувватлаган. Унинг 1898 йилги саҳифаларида Тошкент забт

этилганлигининг 33 йиллиги, Хивага рус қўшинлари кирганлигининг йиллиги муносабати билан бир қатор материаллар берилиши бунинг далилидир.

1898 йил январидан 1918 йил майигача Ашхободда «Асхабад» газетаси нашр қилинган. У адабий, сиёсий, тужжорий нашр бўлган. Газетага узоқ муддат З.Д.Жавров муҳаррирлик килади. Навбати билан И.В. Любимский, А.М. Дуплицкий, Н. С Иванов, Б. Н, Агапьев, Я. Циркунов, Н.П. Маслов ва бошқалар ҳам муҳаррир бўлишган. Унинг ҳафталик суратли иловаси (1906). Маҳаллий хроника, Россия бўйлаб, хорижий хабарлар, фельетонлар ҳамда матбуот акс-садоси (бошқа газеталардан кўчириб босадиган) каби доимий (бўлимлари бўлган. Кўпроқ, Закаспий вилоятининг ҳаётини ёритган. 1905 йилнинг 12 августидан 29 октябригача ички ишлар вазирининг кўрсатмасига биноан, унинг зарарли йўналиши ва натижасиз цензура кураши» туфайли тўхтатиб фўйилган. Газетанинг айрим сонлари ҳукумат томонидан мусодара қилинади (1906 йилнинг 14, 15, 17, 18, 20, 25 январь ҳамда 5 февраль ва 25 март сонлари). 1906 йилнинг 21—26 ноябрь оралиғида ҳам «зарарли йўналиши» учун чиқишдан тўхтатилган. Газетанинг муҳаррирлари (Б. Н. Агапьев, П. Я. Циркунов, З. Д. Жавровлар) ва ходимлари маъмурият томонидан жавобгарликка тортилиб турган.

1917 йили газета февраль тўнтариши ҳақида кўпгина ҳужжатли, фактик материаллар чоп этган. 1918 йилга келиб (1-сонидан 39-сонигача) газетанинг сарлавҳаси тагида «социалистик фикр органи» экани қайд этилади. 40-сонидан бошлаб эса, партиясиз экани маълум қилинади. 1918 йиiddаги 87-сонидан газета муҳаррирлиги ва ноширлиги бир гурух журналистларга ўтади. Шундан сўнг бир сони чиқиб тўхтайди.

«*Русский Туркестан*» ҳам хусусий газета бўлиб, 1898 йилдан 1907 йилгача нашр қилинган. Муҳаррири дастлаб И. И. Гейер, кейин А.А. Сморгунер, И. Касперович, Н.Н. Касьянов, М.Б. Морозов, АБ. Борейша, АВ.Хуцашлар навбати билан газетани бошқаришган. Унинг иловаси 1899 йилда «*Русский Туркестан*» номида мажмуа сифатида нашр қилинган. Газетанинг 1-сони 1898 йил 25 сентябрда чиққан. Унинг саҳифаларида ўлкашунослик бўйича мақолалар, Туркистон ва Еттисув шаҳарларини ўрганишга бағишлиланган корреспонденциялар, маҳаллий хабарлар, театр-музиқа тақризлари, фельетонлар босилган. 1899 йил 4 сентябрда А.А. Сморгунер ўлдирилгач, газета 1 октябргача чиқмаган. Шундан сўнг унинг ноширлиги журналист ходимлар жамоаси қўлига ўтади. 1905 йил декабрида газетага большевик М.В. Морозов муҳаррир бўлгач, унинг йўналиши большевистик рух олади. Ҳукумат томонидан бир неча бор тўхтатилган, муҳаррирлари масъулиятга ортилган, газета номини ўзгартириб («Вперед») чиқишига мажбур бўлган. Таъқиб ва тазиқлар туфайли газета 1907 йилга келиб чиқишдан тўхтайди.

Расмий нашрлар ичida «Закаспийское обозрение» газетаси анча вақт чиқиб турган. Газета 1895—1913 йиллар оралиғида Ашхободда нашр этилган. Сиёсий, миллий, савдо-саноат ва адабий нашр бўлган. Дастлаб ҳафтасига уч марта, 1897 йилдан кундалик бўлиб чиққан.

1896 йилдан 1913 йилгача К. М. Фёдоров муҳаррир бўлган. Бу давр оралиғида турли вакиллар К. Михайлович, М. П. Краснов, А. А. Рясанцев, А. К. Вальц, А. Бугаев ва бошқалар ҳам муҳаррир бўлиб туришган.

“Закаспийское обозрение”нинг ҳам турли кўринишларда иловалари бўлган 1903-1910 йилларда русчага таржимаси билан суратли «Межумин- Матран-Бахри-Хазар» номида форсча газета унга илова тарзида нашр қилинган. 1904 йилда газетанинг эрталабки ва кечки сонлари чиқарилган. 1904 йил 1 марта бошлаб яна кунига бир мартадан босиладиган бўлади. 1899 йилнинг 1 июнидан 1900 йилнинг 24 октябригача газетанинг Самарканд шаҳри ва Самарқанд вилояти учун иккинчи нашри чиқарилган. Бунда асосий нашрнинг материаллари муҳтасар холда босилган. Газетанинг нашрига 1899 йилнинг 1 январидан 1907 йилгача Ҳарбий вазирликдан ҳар йилга 3 минг сум миқдорида субсидия ажратилган. Газета ўзининг босмахонасида чоп қилинган. Унда маҳаллий маъмуриятнинг буйруклари, ҳарбий

муассасаларнинг фармойишлари, иқтисод ва маданиятга оид мақолалар, бадиий асарлар, дохилий ва хорижий хабарлар босилган. Газетанинг йўналишини, асосан, илгор қаравшлар белгилаган. (Газетанинг ўзи 1907 йили шундай деб ёзади: «Биз ҳеч бир партия ёки тўгаракка қўшилмай, мўътадил илғор қаравшларда туришимиз, хуллас, партиялардан ташқарида бўлишимиз керак»), 1896 йилдан 1898 йилгача «Закаспийское обозрение» таҳририятига инглиз-хинд газеталаридан кўчирмалар юборилиб турган. Уларни рус тилига таржима қилиш ва босиши учун таҳририятда муҳаррир-цензорлар, фаннинг турли соҳалари бўйича мутахассислар сақланган. (Ҳар ҳолда, бу Россиянинг сиёсий рақиби Англияни Шарқдаги босқинчилик ҳаракатини кузатиб турган рус ҳарбийлари томонидан ташкил этилган бўлиши керак).

«Закаспийское обозрение» газетасининг босмахонаси 1912 йилнинг 24 октяброда И.И. Александровга ижарага берилади. Бу воқеадан тўрт ой ўтгач, газета чиқишдан тўхтайди.

Туркистонда XIX асрнинг охирига келиб рус тилида журнallар ҳам чиқарилади. 1896—1897 йиллари «Среднеазиатский вестник» (Ўрта Осиё ахбори) номли ойлик илмий-адабий журнал чиқкан. Муҳаррир ва ношири Е. Т. Смирнов. Журналнинг максади Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги мамлакатлар тўғрисида турли илмий-оммабоп материаллар ёритиб бориш. Титул варагида журналда иштирок этиши кутилган олимларнинг рўйхати келтирилган. Булар: М. С. Андреев, В. В. Бартольд, М. И. Бродовский, И. П. Васильев, Н. А. Дингельштедт, А. А. Диваев, Н. Н. Касьянов, Н. С. Ликошин, М. А. Миропиев, В. П. Наливкин, Ф. Ошанин, Н. П. Остроумов, К. М. Обручев, Н. Ф. Петровский (Кошгардаги консул), И. Т. Паславский, В. Ф. Пегасьев, А. Д. Пулло, И. Г. Смирнов, Н. К. Смирнов, М. А. Терентьев, Г. В. Тарновский, К. А. Тимаев, О. А. Шкапский ва руҳоний В. А. Яковлев. Дарҳақиқат, рўйхатда кўрсатилган олимларнинг асарлари журналда босилиб турган.

Журнал илмий-адабий бўлган. Буни унинг мундарижаси ҳам тасдиқдайди. Журнал қандай материаллар чоп қилганини тасаввур қилиш учун унинг 2 сони мундарижасини кўздан кечириш кифоя. 1896 йил март ойида чиқсан биринчи сонининг мундарижаси: 1. Г. Тарновский. Кофиристон ва кофирилар; 2. Н. Дингельштедт. Сирли дунё (хозирги мусулмонлар); 3. Ет. Степной. Тогда. Повесть (Тошкент ҳаётидан); 4. С. Ўз йўлини тополмай. (Чизгилар); 5. Маҳаллий шарҳлар; 6. Библиография; / Илова. Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагининг баённомаси.

Айrim тадқиқотчилар «Среднеазиатский вестник» журналининг январь ва февраль ойлари материаллари «Средняя Азия» номида илмий-адабий альманах (мажмуя) тарзида нашр қилинган дейишиди. Мажмууда ёзилишича, унинг мақсади қуйидагича: «Кам маълум бўлган ҳамда кўп жиҳатлардан ўзига хос бўлган мамлакат — Ўрта Осиё ҳақидаги янги маълумотларни тўплаш ва илгаридан мавжуд бўлганларини имкони борича кенгайтириш». Альманахнинг биринчи қисмидан А. Диваев, М. Бродовский ва Н. Ликошин ва бошқа муаллифларнинг мақолалари жой олган. Иккинчи қисмida 1896 йилга тузилган тақвим берилган.

Туркистон генерал-губернатори С. Духовскойнинг ташаббуси билан 1898—1899 йиллари «Материалы по мусульманству» (мусулмончиликка доир материаллар) мажмууси чоп қилинган. Духовской панисломизм ҳаракатидан хавфсирагани учун ислом дини, фиқҳ, умуман, мусулмончиликка оид барча маълумотларни ўрганиш керак, деб ҳисоблаган. Дукчи эшон воқеаси уни шундай йўл тутишга мажбур қилган. Унинг фикрича, мусулмончилик асосларини чукур ўрганиш йўли билангина панисломизмга муваффакиятли қарши курашиб мумкин. Мажмуанинг икки йилда 5 китоби чиқсан. 2-мажмууга қўшимчалар ҳам алоҳида китоб шаклида босилган. Нашрнинг ҳар бири алоҳида масалага бағишлиланган. Биринчи нашр бундан мустасно бўлиб, у йиғма ҳарактерга эга. Илк мажмууда мусулмон руҳонийлари ҳамда диний муассасаларнинг ахволи ва фаолиятига қисқача шарҳ берилган. Мажмуя В. Наливкин, Г. Усов, М. Вирский ва таржимонлар | . Лапин, В. Вяткиндан иборат ҳайъат томонидан тузилган. 2-

мажмуада: И. Г. Смирнов. Туркистанда дарвишлик. 2- мажмуага қўшимчада: Жазойир дарвишларининг беш қоидаси. Француз тилидан таржима. 3- мажмуада: Н. Маллицкий. Эшонлар ва суфизм. 4-мажмуада: В.И.Яровой-Раевский. Жиход ёки ғазовот. 5-мажмуада: Макка ва Мадинага зиёрат (хдж). 6-мажмуада: Афғонистон амири Абдураҳмонхоннинг хижрий 1304 (1886) йилда Кобул шаҳрида нашр қилингани рисоласи. Форс тилидан Яковлев ва Н. Маллицкийлар таржимаси. Дастребаки 5 нашр «Мусулмончиликка доир материаллар тўплами» номи билан Санкт-Петербургда чоп қилинган.

1907 йил 1 октябрдан рус тилида Туркистаннинг биринчи ҳажвий журнали **«Туркестанский скорпион»** (Туркистан чаёни) нашр қилина бошлади. Муҳаррири Н.В. Тугарина. Жами 9 сони босилган.

1910—1911 йилларда Тошкент шаҳрида рус тилида **«Средняя Азия»** деган илмий-адабий журнал чиқкан. Муҳаррири — А. Л. Кирсанер. Дастребаки йилги 5 сонидан 8 - сонигача муҳаррир ўрнига журналист Е.Ф.Баранов имзо чеккан. Журналнинг икки йилда 22 китоби нашр қилинган. Бўлимлари: тарих, география, этнография, мусулмончилик, иқтисод, ижтимоий ҳаёт, бадиий адабиёт, библиография ва эълонлар.

1911 йил 18 майдан **«Туркестанский кара-курт»** деган ҳажвий журналнинг биринчи сони чиқди. Унинг муҳаррири Л.В. Будкевич. Жами 8 сони чиқкан. Унда ёзилишича, саҳифаларида ҳажвий-юмористик бадиий асарлар, оригинал ва таржима асарлари, ҳазиллар, латифалар, сиёсий ва маҳаллий мавзуларга доир карикатурулар босилади.

### **Тавсия этилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдулла Авлоний. Бурунғи ўзбек матбуоти тарихи. //”Туркистан” газ., 1924, 21 июн. Қайта нашри: “Миллий уйғониш” тўплами. ТошДУ нашр., 1993.
1. Пидаев Т.Р.- Ўзбекистон матбуотининг ўтмиш ва кечмиши.Ўзбекистон матбуоти,1996,2,3,5-сонлар
2. Эрназаров Т., Акбаров А.. История печати Туркестана -Т.: Ўқитувчи, 1976.
3. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.:Шарқ, 2008
4. Дўстқораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.:2009
5. Чўлпон. Туркистанда матбуот. //”Фуқаро фуозоти” журнали (Боку), 1920, 1- сон. Қайта нашри: “Жамият ва бошқарув” журн., 1998, 2- сон.

### **Таянч ибора ва тушунчалар**

**«Туркестанский скорпион»** - 1907 йил 1 октябрдан рус тилида нашр этилган Туркистаннинг биринчи ҳажвий журнали

**«Средняя Азия»** - 1910—1911 йилларда Тошкент шаҳрида рус тилида чиқкан илмий-адабий журнал

**«Туркестанский кара-курт»** – 1911 йил 18 майдан нашр этилган ҳажвий журнал  
**“Окраина”** – Самарқандда чиқарилган хусусий газета

### **Назорат саволлари**

1. XIX аср охирига келиб Туркистанда матбуот тараққиётининг янги босқичини белгилайдиган хусусиятларни гапиринг.
2. Туркистанда нашр қилинган хусусий газета ва журналлардан қайсиларини биласиз?
3. Хусусий газета ва журналларнинг асосий йўналишлари ҳақида сўзланг.

4. Туркистанда цензура ва телеграф агентликларининг пайдо бўлиши на уларнинг фаолияти ҳакида нималарни биласиз?

**Мустақил таълим**

1. Рус тилида чиққан дастлабки газеталардаги мақолаларни ўрганиш.

## ТУРКИСТОНДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧИҚҚАН ХУСУСИЙ ЖАДИД ГАЗЕТАЛАРИ

Режа:

- Туркистонда жадидлик ҳаракати моҳияти ва унинг миллий журналистиқанинг тараққий топишидаги ўрни ва аҳамияти.
- И smoил Обидий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар кори, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Абдулла Авлоний ва бошқалар томонидан Туркистонда ташкил қилинган “Тараққий” (1906), “Хуршид” (1906), “Тужжор” (1907), “Шуҳрат” (1908), “Осиё” (1908), “Самарқанд” (1913), “Садои Туркистон” (1914), “Садои Фарғона” (1914) каби хусусий миллий газеталар. Жадид газеталарининг йўналиши, мавзулари.

Туркистон чор Россияси томонидан забт этилганидан сўнг унинг колонияга айлантирилиши, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг вассал даражасига тушиши маҳаллий ҳалқнинг моддий ва маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Туркистон ўлкасининг ерли аҳолиси Россиянинг катта шаҳарлари ва вилоятларига хом ашё: пахта, пилла, қорақўл, мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериши учун қулларча меҳнат қилишга мажбур эди.

Миллий-озодлик ҳаракатининг етакчилари бўлишни истаган маҳаллий зиёлилар англаб етдиларки, Россиядек кучли ва маккор салтанатга ибтидоий қуроллар билан қарши чиқиш бехуда. Шу боис, энг аввало, маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, жаҳолат “ботқоғи”дан олиб чиқиш, унинг миллий онгини ошириб, унга ўзлигини, ўз аҳволини англатиш лозим эди. Бу тарихий вазифа “жадидлар” деб аталагн сиёсий оқим вакиллари зиммасига тушди. Жадидалр ижтимоий келиб чиқишлирга кўра, турли тоифаларга мансуб бўлиб, уларни ягона ғоя – миллий истиқлол ғояси бирлаштирган эди. Бу йўлда маориф сингари матбуотнинг ҳам хизмати катта бўлиши табиийлигини улар яхши тушунишган. Мана шу ижтимоий эҳтиёж, талаб Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг ижтимоий омили бўлди.

### Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг ижтимоий-сиёсий омиллари:

1. Энг аввало, маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, жаҳолат “ботқоғи”дан олиб чиқиш, унинг миллий онгини ошириб, унга ўзлигини, ўз аҳволини англатиш учун матбуот лозим эди.

1905-1907 йиллардаги Россияда содир бўлган инқилобий ҳаракатлар мамлакатда ҳукм суроётган монархия тузумини ларзага келтирди. Инқилобий ҳаракатлардан қўркувга тушган император Николай II 1905 йили 17 октябр манифести деб аталган ҳужжатга имзо чекишига мажбур бўлди. Манифестга кўра, Россия фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар (фирқалар) тузиш эҳтиёри ваъда қилингандир. Мана шу вазият Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг сиёсий-ҳуқуқий омилини ташкил қилгандир.

### Туркистондаги дастлабки миллий нашрлар

«Тараққий»	«Хуршид»	«Тужжор»	«Шуҳрат»	“Осиё”
------------	----------	----------	----------	--------

1905-1907 йиллардаги Россияда содир бўлган инқилобий ҳаракатлар мамлакатда ҳукм суроётган монархия тузумини ларзага келтирди. Инқилобий ҳаракатлардан қўркувга тушган император Николай II 1905 йили 17 октябр манифести деб аталган ҳужжатга имзо чекишига

мажбур бўлди. Манифестга кўра, Россия фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар (фирқалар) тузиш эҳтиёри ваъда қилингандир. Мана шу вазият Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг сиёсий-ҳуқуқий омилини ташкил қилгандир. Юзага келган қулай сиёсий вазиятдан фойдаланиш учун Туркистон жадидлари ҳам ҳаракатга тушдилар ва натижада, 1906 йилнинг 27 (14) июнида “Тараққий” номли ўзбекча миллий газетани чиқаришга муваффак бўлдилар.

“Тараққий” дастлабки сонлариданоқ маҳаллий аҳолига Россия империясининг меъиятини, миллий зулм, мустабидлик нима эканлигини, эрк, озодлик қанчалик буюк неъматлигини англатишга ҳаракат қиласи. Газета мухаррири билимдон ва ақлли инсон бўлганидан таҳририят ишини пухталик билан бошқариб борди. Мустабидларни “хуркитиб юбормаслик” учун газетанинг охирги – тзўртингчи саҳифасида ўз маслагини парлалироқ қилиб билдиради (анъанага кўра, “Мақсад ва маслагимиз” сарлавҳали мақола берилиши керак эди. “Тараққий” бундай сарлавҳа қўймайди).

“Газетамиз «Тараққий» номинда ўлуб, деб ёзилади таҳририят мақоласида. – бора-бора жисми ҳам исмиға мувофиқ ўлуб миллатимизни “кейин” қолмоғиға, жаҳолати ва ғафлати олийда ўлуб бошқа миллатлардан кам даражада қолмоғиға асло рози эмасдирмиз... бинон алайҳа, газетамизнинг нажотимизга, дунё ва охиратда масъуд ўлмоқимизга ёлғуз илм бобидур демак биринчи вазифасидур”. (1-сон). Газета “замонамиз фойда ва истифода замондир”, “миллат манфаатига хизмат этмак замон, торткан меҳнат, кўрган заҳматларидан қутуладурғон замон бу замон. Дин ва дунёмиз учун ҳайрат қилуб ибрат оладурғон замон – бу замон. Ҳар ким ўз ҳиссасин олиб турғон муддатда оғиз очуб қоладурғон замон эмас” лигини ҳам усталик билан ишора қилиб ўтади.

“Хуршид” ҳам мақсад ва маслакда “Тараққий” йўлидан борди. Ҳайратланарлик жойи шундаки, Исмоил Обидийдаги кескинлик, инқилобий рух туркистонлик зиёлиларнинг айримларига ўз таъсирини кўрсатганди. Шу боис “Хуршид”да маҳаллий аҳолининг кўзини очишга мўлжалланган фикрлар ошкора ва кескин тарзда айтилади. Жумладан, газетанинг 21 сентябрда чиққан З-сонида маърифатли ва маърифатсиз халқ оасидаги фарқ тушунтириларкан, шундай аччик, аммо ҳақиқат гапларга дуч келамиз: “Билганлар ила билмаганлар баробар бўлмаслар” деган ояти карима мазмунини назари мулоҳазаға олиб туриб, ўз ғолимиз ила кўз олдимиизда тургон рус ҳамсояларимизни ҳолини муқобила қилсақ, ҳар бобда улардан камлиғимиз ва булар бизларға хуўжа, бизлар буларға қул суратда яшагонимизни сабаби замонаға мувофиқ улум ва маорифдан маҳрумлигимиз эдугуни ҳар биримиз икрор ва эътироф қилурмиз”.

Орадан кўп ўтмай, “Хуршид” газетаси ҳам ҳукумат томонидан ёпилади. 1907 йилнинг 1 декабридан Абдулла Авлоний мухаррирлигига “Шуҳрат” деган газета чиқа бошлайди. У ҳам “Тараққий” ва “Хуршид” йўлидан борди. Шу сабабли бу уч газета билан “Туркистон вилоятининг газети” орасида кескин кураш кетди. Бу эса, мустабидлар билан эрк, озодлик курашига отланган маҳаллий аҳоли вакиллари орасидаги муросасиз курашни акс эттирувчи мағкуравий тўқнашув эди. Шу сабабли ҳам “ТВГ” 1906 йилнинг 22 июлидан бошлаб ҳафтасига бир эмас, икки мартадан чиқадиган бўлди. Бу курашда, табиийки, мустабидлар томонида куч кўп эди. “Шуҳрат” ҳам 10 сони чиққач, ҳукумат томонидан ёпилди. Ундан кейин 1908 йилнинг 9 апрелидан Аҳмаджон Бектемиров мухаррирлигига “Осиё” газетаси чиқа бошлаган ва беш сондан сўнг мустабид ҳукумат томонидан тўхтатилган. Фақат 1907 иили Тошкентда машхур бой Сайдкарим Сайдазимбой ўғли томонидан чиқарилган “Тужжор” газетаси сиёсий воқеалардан йироқ тургани учун муштарий тополмай, ўз-ўзидан 36-сондан кейин чиқмай қўяди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг бир қисми Россия томонидан босиб олинган бўлса-да, амирлик расман сақланиб қолган ва у ярим колония (вассаллик) мақомига эга эди Бухорода газета ташкил қилиш ғояси Исмоил Гаспринскийда туғилган. 1893 йили

Туркистонга саёхат қилган И smoil ҳазратлари Бухорода бўлиб, у ерда миллий уйғониш содир бўлиши учун Амир Абдулаҳаддин газета чиқариш учун руҳсат беришга рози қилмоқчи бўлади. Мутаассиб амир бунга рози бўлмайди, 1905-1907 йилиги Россия ва Эрондаги инқилобий ҳаракатлар Бухорода бир оз бўлса-да, фикрий уйғонишга туртки берди. Бу ерда ҳам тараққийпарварлар юзага келиб, ижтимоий ҳаётда ўзгариш ясашга урина бошладилар. 1905-1906 йилларда Россия мусулмонлари орасида юзага келган турли-туман газеталар Бухорогача етиб келмоқда эди.

**Рус- Япон уруши даврида Бухорода тарқалган газеталар:**

- A) “Таржумон”
- B) “Хаблулматн”
- C) “Чухранамо”
- D) “Парвариш” деган форсча газеталар.

**Бухородаги илк нашрлар:**

1. “Бухорои шариф”нинг 1912нчи йил 11 мартаңдан 1913 нчи йил 3 январгача 153 сони,
2. “Турон” нинг 1912 йил 14 июлдан 1913нчи йил 3 яеваргача 50 сони чиқкан.

Америкалик Томас Жефферсон айтганидек, матбуотнинг “тўртинчи ҳокимият” бўла олиши Бухоро сингари жаҳолат ва диний мустаассиблик ботқоғига ботган мамлакатда ҳам ўз исботини топди. “Бухорои шариф”нинг 1912нчи йил 11 мартаңдан 1913 нчи йил 3 январгача 153 сони, “Турон” нинг 1912 йил 14 июлдан 1913нчи йил 3 яеваргача 50 сони чиқкан бўлиб, улар Бухоро ҳалқининг фикрий уйғонишида катта хизмат кўрсатди. Бу газеталарнинг ўз вақтида муштарилинидан бири бўлган Садриддин Айний шундай деб ёзади: “Бухорои шариф” биринчи сонидан бошлаб ўкуғувчиларнинг диққатини жалб қилди. Мирзо Жалол биринчи қалам эгаларидан бўлиб, бунинг устига, улуми исломиянинг усул ва фуруъидан яхшигини хабардор бир зот эди. Шунинг учун унинг мақоллари умумга таъсир қилас, зотан мустаъид бўлғон Бухоро аҳолиси ўз тилида ёзулғон бу адабий ва содда бандаларини сева-сева ўкур эди.

**“Турон”нинг асосий мавзулари:**

- 1) бидъат ва мутаассибликни қоралаш
- 2) жаҳолат, қолоқликни кўрсатиш
- 3) маърифатпарварлик
- 4) иқтисодий тараққиётга даъват
- 5) аҳолини халқаро аҳвол билан содда тарзда таништириш
- 6) фан ва техника ютуқларидан Бухорода ҳам баҳраманд бўлишга ундаш

Дарҳақиқат, муҳаррирлар ҳар иккала газетанинг мазмун ва мундарижасини аста-секинлик билан Бухорода долзарб бўлган ижтимоий масалаларга томон буришди. “Турон”нинг асосий мавзулари қуйидагилар бўлган: 1) бидъат ва мутаассибликни қоралаш: 2) жаҳолат, қолоқликни кўрсатиш: 3) маърифатпарварлик : 4) иқтисодий тараққиётга даъват: 5) аҳолини халқаро аҳвол билан содда тарзда таништириш: 6) фан ва техника ютуқларидан Бухорода ҳам баҳраманд бўлишга ундаш: 7) умуммаданиятга эришиш учун ҳаракатга чорлаш ва шу қабилар.

“Бухорои шариф” ҳам, “Турон” ҳам муштарилинига сиёсий масалалардан баҳс юритишни ваъда қилмайди. Иложи борича бу масалалардан ўзларини четроқ тутишга интилган сабаби тушунарли: Бухоро чор Россиясининг вассали бўлганлиги учун муҳаррирлар сиёсий масалалардан баҳс юритишса, рус элчихонасининг жигига тегиши аниқ эди. Ҳолбуки, улар буни исташмаган. Садриддин Айний ёзганидек, “... муҳаррирлар ниҳоят даражада эҳтиётда

бўлуб, Рус сиёсатига тегатурғон бирор нарса ёзмас эдилар. Буларнинг тутқон маслаклари қисқача танвири афкор (фикрни ёритиш – Б.Д.) ва ўқиғувчиларнинг кўлига бир чироқ бермак эди. Бундан у ёгини у чироғ ёруғи билан ўқиғувчининг ўзига ҳавола қилинғон эди. Шунинг учун ёлғуз ижтимоий нуқсонимиздан, иқтисод ва зироатдан, илм ва маорифдан, мадраса ва мактабларимизнинг ахволи, фалокат иштимолидан ва буларнинг ислоҳ йўлларидан баҳс қиласа эди”.

Мазкур газеталарнинг ёпилишида ҳам уларнинг шу каби “шаккокликлари” сабаб бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Буларга қарамасдан, “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталари Бухоро аҳолисининг фикрини уйғотишида катта хизмат қила олди. Газеталарининг катта мафкуравий восита эканлигига уларда қатъий ишонч ҳосил бўлганди. Аслида, мазкур газеталарнинг кўзлаган мақсадлари ҳам шу эди дейиш мумкин. Буни “Турон”нинг 17 сентябрда эълон қилган “Бухоро ва матбуот” сарлавҳали материалидан очиқ билса бўлади. Унда ёзилишича, кўп саъи-ҳаракатлар билан амирликда ҳам матбуот юзага келди. Матбуот ўзликни англаш, атроф-воқеликка нигоҳ ташлаш имконини беради. Агар биз ўз ахволимизга назар ташласак, канчадан-канча нуқсонларни, хусусан, халқимизнинг ғафлат уйқусида, жаҳолат боткоғида қолганини кўрамиз. Инсон ўз нуқсонини, айбини кўриб, уни тузатса, яхшидир. Газета мана шу йўлда ёрдам беради. Айни замонда, Россия газеталари, хусусан Москва ва Петербургда чиқадиган газеталар Бухоро ҳақида кўп ёзишади. Биз уларда аксари холларда нотўғри нарсалар ёзилганини ҳам кўрамиз. Жавобю қилайлик десак, газетамиз йўқ эди. “Ростми, ёлғонми бўлганлигини газетамиз сахифаларинда музокара қилурдик, деб орзу этар эдик. Акнун (ҳозир – Б.Д.), биҳандуллоҳ, икки газетага моликиз, ўзларинмизнинг дардларимизни музокара қилмоқга ва даволар ахтармоқга кодирмиз».

Бу фикрлар, табиийки, муаллиф Фиёсиддингина эмас, Бухородаги илғор қарашли зиёлиларнинг ҳам фикри эди.

1913 йилга келиб жадидлар матбуотининг иккинчии босқичи бошланган, дейиш мумкин. Маҳаллий аҳоли пайдо бўлган миллий матбуотини хайриҳоҳлик билан кутиб олгани туфайли 1906-1913 йиллар жадидлар матбуоти шаклланиш ва тараққиёт йўлига кириш даври бўлди. Тўғри, бу осонликча кечмади. Айниқса, чор цензураси, “Охранка”, мустабид маъмуриятнинг тазийклари ва сиқувига дуч келган миллий матбуот фидойилари аста-секин ўз хақ-хуқуқлари учун кураш йўллари ва малакасини ўзлаштирилар.

“Самарқанд” газетаси. Илк сони Самарқандда 1913 йилнинг апрелида босилиб чиқсан. Муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудий. Газетанинг тепасига “Маҳаллий туркий ва форсий ўрта шевада илм-фан, адабиёт, тижорат, ҳунар ва зироатдан, Россия ахволи ва маданияти ва хорижий мамлакатлари холидан ва олами исломи тириклигига ёзғувчи маданият мусаввар (суратли-Б.Д.) жаридадир» деб ёзил кўйилган. Бу эса газетанинг мазмун ва мундарижасини англатувчи ўзига хос “ташриф қофози”дир. Газета дастлаб икки бетлик, 8-сонидан сўнг тўрт сахифалик бўлиб чиқсан. Жами 45 сони мавжуд. Айрим манбаларда моддий танглиқдан тўхтади, дейилади, бошқаларида унинг ўрнига “Ойна” журнали чиқарилган деб кўрсатилади. Газета матни ўзбек, тожик ва рус тилларида босилган. Унинг 26-27 сонлари “Янги Самарқанд” номи билан чиқсан.

“Садои Туркистон” газетаси. Биринчи сони 1914 йил 4 апрелда Тошкентда адвокат Убайдулла Асадуллахўжаев муҳаррирлигига чиқсан. Газета илк сонида ҳафтасига икки мартадан чиқишини ваъда қилган бўлса-да, ҳафтада бир марта чиқсан. “...Абадий, иқтисодий, фанний, ва майший туркча жарида” бўлиши қайд қилинган. Газетада анъанавий мавзу – “усули жарида” мактаблари ҳақида ёзилган. Буларнинг орасида Нўширавон Ёвшевнинг “Туркистон тарихи” сарлавҳали мақоласини (1914 йил 10 июн) алоҳида қайд этиш керак. Муаллиф мактабларда ўқувчиларга она тилида Туркистон тарихини ўқитиш масаласини қўйган.

“Садои Фарғона” ҳам тил масаласига эътибор берган. Газетанинг 3-сонида Ашурали Зоҳирийнинг “Она тили” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда ҳар бир инсон она тилини

билиш лозим, деган фикр илгари сурилади. Она тили, унингча, миллатнинг муҳим белгисидир. Миллий ҳамияти бор инсони она тилини мукаммал эгалламоғи лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, газетанинг 1-сонида муҳаррир шошилиш оқибатида ўз шевамиз ўрнига кўпроқ рабча, форсча сўзлар қўллаганмиз, бунинг учун муштариylаримиздан узр сўраймиз, дейди.

Газетани асосан 3 киши – муҳаррир Обиджон Маҳмудов, мусахҳих Ашурали Зоҳирий ва таржимон Усмон Нурийлар чиқаришган. Лекин унда Абдулҳамид Сулаймоний (Чўлпон), Тўлаган Хўжамёров, Иброҳим Даврон, Ҳамза, Саидаҳамад Васлий, Шокир Мухторий, Холид Сайд, Исҳоқхон тўра каби шоир ва публицистлар фаол қатнашиб турганлар.

Газетанинг “Хўқанд хабарлари”, “Туркистон ва Фарғона хабарлари”, “Дохилий хабарлари”, “Хорижий хабарлар”, “Адабий мунозара” каби доимий рукнлари бўлган.

“Садои Фарғона”нинг 1915 йил апрелгача жами 122 сони чиққан.

“Ойина” журнали 1-сони 1913 йил 20 августда Самарқандда чиққан. Муҳаррири Маҳмудхўжа Беҳбудий. Журнал дастлаб ҳафтада бир марта иккинчи йилга бориб, 15 кунда бир марта чиқарилган. Маҳаллий тилда чиқрилган биринчи журнал бўлишига қарамай, тез орада муштариylарнинг ҳурмати ва муҳаббатини қозонди. У Туркистон ва Бухородагина тарқалмай, Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларга ҳам етиб борган. Журналнинг доимий рукнлари: “баёни хол”, “Самарқанд хабарлари”, “Ахбори жаҳон”, “Реклама”. Журнал ўзбекча, тоҷикча. Русча матнда бериб борилган. Шунинг учун унинг муқовасига “Ойина”, “Кўзгу”, “Миръот”, “Зеркало” номлари ёзиб қўйилган.

«Ал-Ислоҳ» журнали. Биринчи сони 1915 йил 14 январда чиққан. Муҳаррири – Абдураҳмон Содиқ ўғли. Журнал ўз моҳиятига кўра Тошкент уломалари муайян қисмининг фикрларини ифода этган бўлса-да, жамиятнинг айrim томонларини ислоҳ қилишга уриниши журналнинг жадидлар ғоясига яқин турганини ҳам кўрсатади. Ўзбек журналистика тарихи билан шуғулланган Зиё Сайд 1927 йил нашр қилинган «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» китобида журнал ҳақида шундай деб ёзганди: ... жадидларнинг ўнг қаноти, қадимларнинг сўл қанотида туриб «хизмат» қилди».

«Ал-Ислоҳ» асосан, шаръий масалаларга изоҳлар бериш билан машғул бўлди, ислом динини хурофотдан тозалашга уринди, бу борада Қуръон ва ҳадислардан далиллар келтириб, ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилди. Умуман олганда, журнал уламоларнинг қарашларини акс эттирганди.

«Ал-Ислоҳ» журнали 1918 йилда 5-сони чиқиб тўхтаган. Бунга сабаб журналнинг ёзишича, замоннинг оғирлиги, муштариylарнинг камлиги бўлган. Бизнингча, асосий сабаб большевикларнинг раҳбари Лениннинг буржия газета ва журналларини ёпиш тўғрисидаги 1917 йил 8 ноябрда имзолаган декрети бўлса керак.

### 1913-1914 йилларда чоп этилган газета ва журналлар:

1. «Садои Туркистон»
2. «Самарқанд»
3. «Ойина»
4. «Ал-Ислоҳ»
5. «Садои Фарғона»

### Газета-журналлар муҳаррирлари:

“Самарқанд” газетаси. Илк сони	“Садои Туркистон” газетаси. Илк сони	«Садои Фарғона» газетаси.	“Ойина” журнали 1-сони 1913	«Ал-Ислоҳ» журнали Биринчи сони
--------------------------------	--------------------------------------	---------------------------	-----------------------------	---------------------------------

Самарқандда 1913 йилнинг апрелида босилиб чиқкан.	1914 йил 4 апрелда Тошкентда чиқкан	Фарғонада 1914 йилнинг 3 апрелида босилган.	йил 20 августда Самарқандда чиқкан..	1915 йил 14 январда чиқкан..
Мұхаррири Маҳмудхўжа Беҳбудий.	Мұхаррири адвокат Убайдулла Асадуллахўжаев	Мұхаррири ва ношири Обиджон Маҳмудов	Мұхаррири Маҳмудхўжа Беҳбудий	Мұхаррири – Абдураҳмон Содик ўғли

**Маҳмудхўжа Беҳбудий** 1875 иили 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида таваллуд топди. 18 ёшидан қозихонада имом-хатиблиқ қила бошлайди. 1903 йилдан матбуотда ўз ҳхабарлари, мақолалари билан қатнаша бошлади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз мақолаларида ҳодисаларнинг ижтиомий моҳиятини очиб беришга интилган. Унинг “Тиёти надур?” сарлавҳали мақоласида буни яққол кўриш мумкин. Муаллиф “Тиёти надур?” деб савол бергач “Тиётир ибратнамодур”, “Тиётир вазхонадур, тиёти тазири адабийдир”, деб унга тимсолли таъриф беради. Айни пайтда, театрнинг жамият аъзоларига сабоқ берувчилик хусусиятини ҳам қайд этади: “Театрхона саҳналаринда қўюлаттурғон сарлар фожеа, яъни қайғулик, мазаҳга яъни кулгу драма, яъни ҳнгомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб ҳалойикға кўрсатилур. Ул воқеадаги ёмонлик ва яхшиликни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким кўруб, англаб, ибрат олур ва ямонликдан кўшиб, яхшилик ва ҳаракат қилмоқға, тиётирада кўрсатилғон воқеалар сабаб бўлур”. миллат фарзандларидан турли соҳалар учун замонавий мутахассислар тайёрлаш керак, дейди. Агар биз бу йўлни тутмасак, бойликларимиз, мулкларимиз, асбобларимиз бошқа миллатлар қўлига ўтиб кетади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий бойларга мурожаат этар экан, борди-ю, ўн нафар бой бир йилда минг сўмдан беришса, 25 нафар болани Тошкентда “диний ва замонавий” бир “пансион” очса бўлади, кечки ва кундузги мукаммал мактаб ташкил қилиб, ҳар йили ҳукумат мактабида 50 бола тайёрлаб чиқарса бўлади, деб аниқ таклифлар киритади. “Ўн йилда булардин ...-деб ёзади у,-200 муҳандис, дуктур, ҳуқуқшунос, муаллим, замона тожири, валлоҳ... чиқар ва бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишига кираплар”.

Публицист ўз мақоласида ҳалқнинг рус тилини, қонунларни билмаганлиги учун ҳақ-ҳукуқини, манфаатини ҳимоя қила олмаслигидан қуюниб гапиради. Рус тилида бемалол гаплаша оладиган, қонунларни яхши биладиган юристларимиз пайдо бўлса, деб орзу қиласди. «Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда кириб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тоифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашур, мудофаа қилур”. Мана, Беҳбудийнинг асосий тилаги!

**Абдулла Авлоний** 1878 иили 12 июлида Тошкентда Мерғанча маҳалласида дунёга келди.

Абдулла Авлонийнинг “Ҳивзи лисон” мақоласи алоҳида аҳамиятга эга.

Унда ҳар бир киши ўз миллатининг тилини соф ҳолда ишлатишга ҳаракат қилмоғи керак, бу унинг ўз миллатига бўлган хурматининг рамзи ҳамdir дейилади. Афсуски, дейди муаллиф, баъзи ҳолларда бунга амал қилмагач кишиларни қўрамиз. “Биз туркистонликлар миллий тилни сақламоқ бир тарафда турсин, кундан-кун унутмоқ ва йўқотмакдадирмиз. Тилимизни ярмига рабий, форсий улангони калик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпиштирмокдадирмиз.

Дуруст, бизларга ҳукуматимиз ўлон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадир. Лекин ўз еринда ишлатмоқ ва сўзламоқ лозимдир. Зигир ёғи солуб қилгач мошкичири каби қилуб аралаш-қуралаш қилмаки тилнинг руҳини бузадир”. (1914 йил 28 май сони)

Абдулла Авлонийнинг бу сўzlари миллий ҳамиятни сақлаш учун қилинган эътиборга лойик ҳаракатлар эди.

Мунавварқори публицистикаси: Мунавварқори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкентда Дархон маҳалласида туғилди. У матбуотга илк бор “Туркистоннинг умргузаронлиги. Тараккий” газетасидаги фаолияти орқали кириб келди. 1906 йилнинг апрелига бориб чиқишидан тўхтайди. Шу вазиятдан жадидлар усталик билан фойдаланадилар. Хусусан, Мунаввар қори мазкур газетанинг моддий-техник асосида маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қила оладиган даврий нашрга эга бўлиш учун қаттиқ ҳаракат қиласи. Чунки, у И.Гейер чиқараётган “Ўрта Осиёning умр гузаронлиги. Тараккий” газетасининг таҳририятига ишга жойлашиб олганди. Унинг газета таҳририятига жойлашишига бир тасодиф кўмак берган. И.Гейер газетасини чиқариш ҳаракати билан юрганда, “Туркистон вилоятининг газети”да ходим бўлиб ишлаётган мулла Олим Абулқосимовдан маҳаллий аҳолидан ўйларига садоқатли бир зиёлини топиб беришини сўрайди. Мулла Олим унга Мунаввар қорини тавсия қиласи. Ҳар ҳолда, бу ерда мулла Олим ҳам, И.Гейер ҳам адашишганди: Мунаввар қори мустабидларга садоқатли гумашта эмас, маҳаллий аҳолининг манфаатини ҳимоя қиласидан эл фарзанди эканлигини пайқамай қолишганди. Шу тариқа, Мунаввар қоринингсаъий-ҳаракатлари билан маҳаллий тилини яхши биладиган, айни пайтда рус тилида ҳам бемалол гаплаша оладиган қозонлик Исмоил Обидий “Тарақкий” газетасига муҳарририликка таклиф қилинди. Бу жадидилар чиқарган илк газета эди.

Мунаввар қорининг “Бизни жаҳолат-жаҳли мураккаб” (1-ва 2-сонлар) мақоласида мусулмон мактаблари ва мадрасаларидаги ўқитиш усули ва тизимининг эскириб қолгани учун уларни ислоҳ қилиш керак, деган фикр илгари сурилганди. Н.Остроумовнинг одиқ ёрдамчиси мулла Мухаммад Олим “ТВГ”нинг 25-28-сонларида давомли суратда “Тарақкий”га қарши мақола эълон қиласи. (Бу мақола . Н.Остроумовнинг бевосита кўрсатмаси ва иштирокида ёзилгани сезилиб туради.) мақолада “...бешарм ва беодоблик шулки, Мунаввархўжа устод ва муаллими гузаштагон ва ҳолийларимизни (ўтиб кетган ва ҳозирги устод ва муаллимларимизни демоқчи – Б.Д.) “жоҳил ва жаҳли мураккабда қолғон ва золим” иборатлар илан ва болаларни атосини «бехамият» ва “бедиёнат” сўз илан газетга эълон қиласи қандай бешарм ва бехаёлидур”, -дейилади. Аслида

Остроумов, унинг содиқ гумаштаси мула Мухаммад Олим “Тарақкий”даги мақоланинг асл моҳияти ҳакида, яъни ҳаётдан асрларча орқада қолган мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш ҳақидаги фикрнинг ўринли ёки ўринсизлиги дан келиб чиққан ҳолда сўз юритиши кеарк эди. Бунингт ўрнига улар уламоларни ҳамда оталарни “Тарақкий”га, ундаги мақола муаллифи Мунаввар қорига қарши гиж-гижлади. Бу бехуда кетмади, албатта. “ТВГ”даги “Бир мулла” ёки “Бир муллавачча”. “Бир мадрасада истиқомат қилгувчи” кабилар тилидан ўндан ортиқ мақола “Тарақкий” ва унинг муҳаррири Исмоил Обидийга қарши эълон қилинди. Натижада, 21 августда “Тарақкий” муҳарририятига полициячилар бостиририб киришиб, газетанинг тайёрланаётган навбатдаги сони мусодара этилиб, муҳаррири И.Обидий қамоқقا олинади.

Шуниси борки, матбуотнинг қудратли кучга эгалигига қаттиқ ишонч ҳосил қиласи маҳаллий зиёлиларни энди газета чиқаришдан тўхтатиб бўлмасди: миллий уйғониш содир бўлганди. 1906 йилнинг августида Мунаввар қори ўз ношир ва муҳаррирлигига “Хуршид” газетасини чиқаришга муваффақ бўлди. Бу туркистонлик жадидларнинг иккинчи газетаси эди.

1903 йилда Россия социал демократлар партияси тузилиб, 1905 йилда большевиклар ва меньшевикларга бўлинади. .

Мартда ишчи ва солдат депутатлари Петроград советининг буржуа партиялари ва ташкилотлари вакилларидан иборат «Прогрессивний блок» номи билан бирлашган Давлат думаси Муваққат қўмитаси билан келишув асосида Россияда Муваққат ҳукумат тузилди.

2 ҳокимият: Муваққат ҳукумат ва ишчи деҳқон советлари тузилди. Муваққат ҳукумат 3 марта Баённомаси ва халққа мурожаатномасида ўз дастурларини биён қилди. Сиёсий эркинликлар, сўз, матбуот, иттифоқлар тузиш, Милий ва диний чеклашларни бекор қилиш, бошқарув шаклин

ва конституцияни белгилаши лозим бўлган умумий, барчага тенг, яширин овоз бериш асосида ўтказиладиган Таъсис мажлисини чакириш га тайёргарлик кўриш, полицияни халқ милициясига алмаштириш, ташки урушни ғалабагача етказиш каби ларни тантанали равишда эълон қилди. Бу даврда Туркистонда жадидчилик ҳаракати маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилиган эди.

### **Жадидларнинг миллий гоясида икки асосий масала:**

1. Халқ ни дунёнинг маърифатли миллатлари даражасига кўтариш
2. Туркистонда миллий-демократик давлат қуриш

Февралнинг дастлакбеки кунлариданоқ Россиядагидек ҳокимиятнинг таркиб топиш тамойили яққол кўзга ташлана бошлади.

### **Туркистонда 3 ҳокимиятлилик:**

1.Бир томондан ишчи депутатлари, солдат депутатлари советлари тузилди. Кейинчалик улар ягона ишчи, солдат депутатлари советига бирлашдилар. Булар асосан европалик ишчи ва солдатларининг органи бўлиб улар жамиятга таъсир ўтказиш учун реал кучга эга эди.

2.ижроия қўмиталар – Советларга нисбатан аҳолининг кенг катламини қамраб олган, эсерлар, меньшевиклар, жамоат ташкилотлари, жумладан, миллий ташкилот вакиллари ҳам бор эди.

3. «Шўрои ислом» жамияти. 14 марта халқ вакиллари мажлисида янги ташкилотнинг 61 кишидан иборат бўлган таркиби тасдиқланди. У европаликларни бирлаштирган ишчи д советалридан фарқли ўлароқ ислом динига эътиқод қилувчи туб аҳолидан сайланган депутатлар совети деб тушунилди. 15 кишидан иборат бошқаруви таркиби тузилади: Мунаварқори, Убайдулла Асадуллахўжаев каби жадид зиёлилари ҳам бор эди. Июн ойида Шўрои уламо жамияти ажralиб чиқади. Шерали Лапин Тошкент шўъбасига бошчилик қиласди.

Подшо тахтдан ағдарилгач монархиянинг органи бўлган газеталар ҳам ёпилди. «Туркестанский ведомости» газетаси 1917 йил, 16 декабрдан тўхтади. Март ойиидан унинг ўрнига «Нажот» газетаси чиқа бошлади

**«Тирик сўз» газетаси 1917 йилнинг 2 апрелидан** Кўқонда нашр этила бошл. Биринчи сонида «ҳафтада 3 марта чиқадургон адабий, иқтисодий, тараққий газетадур» Мухаррир ва ношири Обиджон Маҳмудов. Мухаррир бу газетанинг мақсад ва муддаосини тарқоқ фикрли миллатларни фикран жам қилиш, ишда, фикрда, маслаҳатда катта-кичикларни бир-бирига яқинлашдириш, янги ҳукуматга ёрдам бермоқ кабиларни газета мақсад қилиб олганини ёзади.

**«Эл байроғи» газетаси 1917йил 8 сентябрдан** Кўқон шаҳрида чиқа бошлаган. Дастробки мухаррири Бўлат Солиев (тарихшунос олим), кеинроқ Ашурали Зоҳирий ҳаммуҳаррир. Ношири Кўқондаги «ўайрат» кутубхонаси. Адади 800-1000 нусха бўлиб, мих босмада чоп этилган. Вазифаси шундай баён қилинади: турки элининг ҳозирги замондағи моддий ва маънавий эҳтиёжотидан баҳс этадур ҳам муваққат ҳукуматнинг тадбир ва сиёсаларидан ва мухораба хабарларининг энг мужуқларидан ёзадур»

Газетанинг 14 сонидан бошлаб Ашурали Зоҳирий ва Бўлат Солиев икки мухарир бошқарадиган бўлди. Газета имкони борича халқни Туркистон мухториятини сақлаб қолишга даъват қилиб, ўз кучига ишонтиришга урунди. Зиё Сайднинг ёзишича, 20 сон атрофида чиқиб, Туркистон мухторияти бостирилиши билан большевиклар томонидан тўхтатилган.

**«Кенгаш» журнали 1917 йил 8 марта**дан Кўқонда ўқитувчилар жамияти томонидан чиқарила бошлади. Мухаррири Ҳамза Ҳакимзода. 1-2-сонлари 8 саҳифа, 3-5-сонлари 16 саҳифали бўлиб чиқкан. 1-сонида «Ҳар икки ҳафтада чиқадургон таъмими маорифдан бохис (баҳс этувчи)журнал» деган. Кенгашнинг 1сонида Ҳамзанинг «Жума қандай кун» сарлавҳали мақоласи чиқкан. Мусулмонлар учун жума бир байрам сифатидаги кун. Узоқ вақтлардан буён бу кунни байрам сифатида ўтказолмай келдик. Мана хурриятимиз кўлга тегди. Бу кун ҳакидаги фикриизни бемалол айтиш имконияти туғилди 2 сонидан Ҳакимжон Мирзахонзода мухаррир бўлди. Журналнинг 5 та сони чиқиб тўхталди.


**«Хуррият» журнали 1917 йил, 7 апрелидан. Ҳамза мұхарирлигіда, ношири ҳожи Раҳимжон Шоди. 1-сонида «Хуррият» сарлавхали мақолада барчани «абадий озодлик» олғанлығы билан қуттайди. Букун Остроумов, Ильминский кабиларинг тарбиясида яшаган, уларнинг маслакиға хизмат қылған ватан хоинларининг никобаларини очиш фурсати етди, дейилади. Журнал 6 сон чиқибы ёпилади.**

**«Юрт» журнали 17 йил, 11 июнидан чиқа бошлади. Мұхарир Ашурали Зоҳирий. Шоиори «Яшасун Мұхториятла халқ жумхурияты» Адади минг нусха атрофида. 1-сондаги бош «Мақсад ва аъмолимиз» сарлавхали мақолада немис мутафаккири Шиллернинг «Эскилиқ вайрон бўлиб, замон ўзгаруб, ҳаробаларда янги ҳаёт очиладур» деган гапи эпиграф қилиб олинган. Юрт журналининг 1-3 сони Тошкент кутубхонасида сақланган.**

**Мувакқат ҳукумат даврида Туркистанда чоп этилган газеталар:**

1. «Нажот» газетаси
2. «Турон»,
3. «Кенгаш», «Хуррият»,
4. «Улуг Туркистан»,
5. «Шурои исломия»,
6. «Фарғона нидоси»,
7. «Эл байроби» сингари газеталари,
8. «Кенгаш»,
9. «Хуррият»,
10. «Юрт»,
11. «Ишчилар дунёси»,
12. «Чаён» каби журналлари нашр қилинади.

Туркистандаги миллий нашрлар ва уларнинг мұхаррирлари, чоп этилган саналар, нашр сонларини ифодалашда Кластер усулидан фойдаланилади:



**Тавсия этилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2002. Эрназаров Т., Акбаров А.. История печати Туркестана -Т.: Ўқитувчи, 1976.
3. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.:Шарқ, 2008
- 4.Дўсткораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.:2009
5. Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг роли.-Т.: ФАН, 1993.
6. «Исмоил Гаспиринский ва Туркистан».- Т.: Шарқ, 2005.
7. Зиё Сайд. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. С. -Т.: Ўздавнашр, 1927.

8. ПидаевТ., Дўстқораев Б. «Тараққий – илк ўзбек миллий газетаси»//« Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил, 14 июнь

### **Таянч ибора ва тушунчалар**

**«Тараққий»** - Туркистондаги биринчи миллий нашр

**Тахририят**— ахборот тайёрлаш ва узатиш билан шуғилланадиган ташкилот, муассаса

**17 октябр манифести** – Инқолобий ҳаракатлардан қўркуувга тушган император Николай II 1905 йили 17 октябр манифести деб аталган ҳужжатга имзо чекишга мажбур бўлди. Манифестга кўра, Россия фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар (фирқалар) тузиш эҳтиёри ваъда қилингандир.

**Жадидчилик** – (араб. Жадид-янги) – 19 аср охири 20 аср бошларида Туркистон, Крим, Татаристонда юзага келган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат.

**Вассал** - қарам тебе одам, ёки давлат

**“Бухорои Шариф”**- Бухорода рабиуссоний 1330 ҳижрий -1912 мелодий 11 марта якшанба куни нашр бўлган газета

**“Турон”** – Бухорода 14 июль 1912 йилдан нашр қилинди.

**«Ойина»**-баринчи миллий журнал

**«Самарқанд»**- Самарқандда М.Беҳбудий томонидан 1913 йилда чиқарилган газета

**«Садойи Туркистон» - Тошкентда Мунавварқори муҳаррирлигига чиқарилган газета**

**Масориф**- сарф-харажат

**Қувваи хофиза**- ёдда саклаш қуввати

**Шўрои ислом**- Тошкентда жадидлар томонидан ташкил этилган жамият

**Беҳбудия кутубхонаси**- Самарқандда Беҳбудий томонидан ташкил этилган кутубхонаси

**“Падаркуш”**- Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб драматик асар

**“Оқ елпоғичли Чинли хотун”**- Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб ҳикоя

**“Биринчи муаллим”**- Абдулла Авлоний томонидан ёзилган дарслик китоб

**Туркистон генерал губернаторлиги**-Россия империяси босиб олган ғарбий Туркистон худудида Александр II фармони билан ташкил этилган маъмурий-худудий бирлик.

**Туркистон Муҳторияти** - Туркситон минтақасидаги дастлабки демократик хукумат(1917 й. 27 нояб -1918 йи. 19 фев.)

**Муваққат хукумат** – (Россияда) император Николай II таҳтдан ағдарилгач барпо этилган 1- демократик хукумат

### **Назорат саволлари**

1. «Бизнинг жаҳолат-жаҳли мураккаб» мақоласи кимни?
2. Жадидшунос олимлардан кимларни биласиз?
3. «Ўрта Осиёning умр гузаронлиги. Тараққий» газетаси муҳаррири ким?
4. «Тараққий» газетаси қайси газетанинг базасида чиқарилди?
5. «Тараққий» газетаси қачон, қаерда чиқарилган?
6. «Ўрта Осиёning умр гузаронлиги. Тараққий» газетаси муҳаррири ким?
7. «Турон» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
8. «Бухорои шариф» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
9. Бухорода матбуотнинг юзага келишидаги омиллар қайсилар?
10. Бухорода матбуотнинг пайдо бўлиши қайси даврга тўғри келди?
11. Бухоро матбуотининг Тошкентдаги нашрлардан фарқи томонлари?
12. Бухородагидаги илк даврий нашр қайси?
13. « Самарқанд» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
14. «Садойи Туркистон» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?

15. Самарқандда матбуотнинг юзага келишидаги омиллар қайсилар?
16. «Ойина» журнали қайси газета базасида чиқарилди?
17. «Садои Туркистон» газетаси қачон, қаерда чиқарилган?
18. «Самарқанд» газетаси мухаррири ким?
19. 1914 йилда қандай газета ва журналлар чоп этилди?
20. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ойина» журнали мухаррири сифатидаги фаолиятига баҳо беринг
21. Маҳмудхўжа Беҳбудий публицистикасида қандай ғоялар илгари сурилган?
22. Мунавварқорининг «Садои Туркистон» газетасидаги фаолиятига баҳо беринг.
23. Мунавварқори публицистикасида қандай ғоялар илгари сурилган
24. Абдулла Авлоний қандай нашрларга мухаррирлик қилган?
25. «Хуррият» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
26. Туркистонда муваққат ҳукумат даврида матбуотнинг юзага келишидаги омиллар қайсилар?
27. «Хуррият» журналида фаолият юритган журналистлар кимлар?
28. Муваққат ҳукумати даврида қандай матбаа нашрлари чоп этилган?
29. «Нажот» газетаси қайси газета базасида чиқарилган?
30. 1917 йилдан жадидлар матбуотида қандай ғоявий ўзгаришлар юз берган?

### **Мустақил таълим**

1. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Танланган асрлари” билан танишиш
2. Абдулла Авлонийнинг публицистик мақолаларини таҳлил этиш
3. С.Айнийнинг «Бухоро тарихи» асарини ўқиш.
4. Абдурауф Фитрат публицистикаси билан танишиш.

**20-ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА 30 - ЙИЛЛАРДАГИ ТОТАЛИТАРИЗМ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ. ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ФАИЗМ БИЛАН БЎЛГАН УРУШ ЙИЛЛАРИДА (1941-1945). ТОТАЛИТАР ТУЗУМ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ (1946-1985). 80-ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА 90-ЙИЛЛАРНИНГ БОШИДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ**

- 20-йилларнинг икkinчи ярми ва 30- йиллардаги хукм сурган ижтимоий-сиёсий вазият. Матбуотнинг тўла-тўқис маъмурий-буйруқбозлик тизими манфаатларига хизмат қилувчи тузилмага айлантирилиши.
- 1924-1925 йилларда Ўзбекистон ССР ташкил бўлгач республика миқёсидаги янги газеталарнинг вужудга келиши.
- 30-йилларнинг бошида Ўзбекистонда ҳамма вилоят рўзномаларининг тугатилиши. Туман ва кўп нусхали газеталар тармоғининг вужудга келиши. Ўзбекистонда ишчи-қишлоқ мухбирлари оммавий ҳаракатининг юзага келиши. 30-йилларнинг икkinчи

ярмида ўзбек ва рус тилларида вилоят газеталарининг ташкил қилиниши. Ўзбекистон Ахборот агентлигининг тузилиши. Мазкур даврда журналлар фаолияти.

- 30-йилларда авж олган Сталин шахсига сифинишнинг матбуот фаолияти учун салбий таъсири. Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А. Қодирий, Чўлпон ижоди ижтимоий – сиёсий ва мафкуравий курашлар доирасида.
- Фашистлар Германиясининг 1941 йил ёзида босқинчилик урушининг бошланиши муносабати билан республика матбуоти тармоғи ва фаолиятини қайта қуриш борасидаги амалга оширилган чора-тадбирлар.
- Фронт орқасидаги даврий нашрлар тармоғининг қисқариши. Уруш даврида Ўзбекистонда нашр этилган альманахлар ва уларнинг матбуот тизимидағи ўрни.
- Ўзбек тилида фронт газеталарининг ташкил қилиниши. Уруш даврида ўзбек публицистикаси ва публицистлари. Мазкур давр ўзбек матбуотининг жанр хусусиятлари.
- Урушдан кейинги даврдаги ижтимоий- сиёсий вазият. Мамлакат ижтимоий ҳаётида Сталин шахсига сифинишнинг қораланиши туфайли юз берган ўзгаришларнинг вақтинча эканлиги.
- Ўзбекистонда 50-60 йилларда барпо бўлган янги республика, вилоят, шаҳар газеталари. Район ва кўп нусхали газеталар тармоғини кенгайиши. Ёшлар, болалар матбуоти тармоғидаги ўзгаришлар. 1946-1985 йилларда фаолият кўрсатган асосий ижтимоий-сиёсий ва адабий журналлар. Китоб нашриётлари ва улар фаолиятининг асосий йуналишлари. Матбуот моддий-техника аҳволини яхшилаш борасидаги тадбирлар.
- 80-йилларнинг иккинчи ярмида ижтимоий - сиесий тизимни ислоҳ қилишда матбуот олдига қўйилган вазифалар. Жамиятни демократлаштириш ва сиёсий тузумни ислоҳ қилиш жараенида таҳририятлар фаолиятини қайта қуриш. Журналистикада ошкораликни ва турфа фикрликни қарор топтириш муаммоларини қўйилиши. Республика матбуотининг демократия, сўз ва матбуот эркинлиги муаммоларига эътиборини кучайиши. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун.
- Ошкоралик вазиятида публицистлар ижодида тоталитаризм шароитида кечган ижтимоий ҳаёт фожеаларининг рўй-рост кўрсатиш, тарихий ўтмиш таҳлилидан сабоқлар чиқариш ва миллий истиқлол тоғасини тарғиб қилишнинг кучайиши.

1917 йилга қадар Ўзбекистонда йирик матбаа саноати *ҳали* шаклланмаган эди; бу ерда 25 га яқин ўрта даражадаги босмахона ва литография мавжуд эди, холос. Улар техник жиҳатдан қолоқ бўлиб, ҳамма иш кул кучи билан бажарилар эди. Босмахона ва ли- тографияларда ишловчи 574 ишчидан 72 таси маҳддлий миллат вакиллари бўлиб, улар етарли малакага эга эмас эдилар. Шу сабабдан миллий тиллардаги адабиётлар асосан литография усули билан босилар эди.

Собиқ совет тузуми Октябрь тунтаришининг дастлабки ойларидаёқ нашриёт ишларига жиддий эътибор қаратди. 1917 йил декабрь ойида Давлат нашриёти ҳақида декрет қабул қилинди. Бу декретда РСФСР Маориф Халқ Комиссарлигига узининг адабиёт-нашриёт булими орқали нашриёт ишларини кенгайтириш тавсия этилган эди. Миллий ишлар Халқ Комиссарлигининг «Шарқий» ва «Ғарбий» нашриётлари миллий тилларда нашриёт ишларини кенгайтириб юборди.

1919 йил май ойида Бутунrossия Марказий Ижроия Комитета «Давлат нашриёти тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга му- вофиқ, Москвадаги бир қанча нашриёт асосида бирлашган Давлат нашриёти — «Госиздат» ташкил этилди. 1924 йилда миллий республика ва вилоятларга ёрдам сифатида Миллий ишлар Халқ Комиссарлигининг «Шарқий» ва «Ғарбий» нашриётлари негизида Москвада СССР ҳалқлари Марказий нашриёти (Центройздат) ташкил топди. Миллий республикаларда, шу жумладан, Туркистонда ҳам нашриёт («Туркистон Давлат нашриёти») ишлари кенгайтирилди.

Туркистон Халқ университети (Ҳозирги Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети) ташкил этилганда, унинг хузурида маҳаллий миллатлардан босмахона ходимлари тайёрлаш мактаби очилган эди. Секин-аста республикада матбаа базаси вужудга келтирилиб, ривожлантирилди. Туркистонда миллий тиллардаги матбуот жуда мураккаб шароитда кўп мashaққат ва қийинчиликлар билан кураш жараёнида барпо қилинди. Ҳусусан, маҳаллий миллатлардан малакали матбаа кадрлари тайёрлашга жуда катта эътибор қаратилди.

Туркистонда 1919 йилда жами 91 номда китоб чиқарилган. 1920 йилда 118 номда китоб нашр этилиб, инқилобдан аввалгида кўра икки баравар кўп чиқарилган эди. 1921—1924 йилларда, яъни 4 йил ичida 10826 босма табоқ миқдорида, 3 миллиондан ортиқроқ адад билан 1184 номда китоб нашр этилган. Шундай қилиб, совет тузумининг дастлабки йилларида қийинчиликларга қарамай, нашриёт ишлари тараққий этган. Октябрь тўнташидан сўнг мустаҳкам негизга кўрилган миллий нашриёт иши барпо қилиниб, кейинчалик тез суръатлар билан ривожлантирилган. 1924 йил декабрдан Ўзбекистонда матбуот ва нашриёт ишлари янада ривожланди. Ўзбек давлат нашриёти ташкил этилди. Бу даврда Ўзбекистонда қанча китоблар нашр этилганини 1-жадвалдан кўриш мумкин. 1924 йилда 193 номда 2054 босма табоқ ҳажмда 571 минг нусха китоб чиқарилган. Китоб нашр қилиш, 1928 йилда 1924 йилга нисбатан адади жиҳатидан 4,6 баравар, ҳажми (босма табоқ) жиҳатидан эса 6 баравар кўпайган эди.

#### 1-жадвал

#### 1925—1928 йилларда чиқарилган китоблар

Йиллар	Чиқарилган китоблар сони	Адади (минг нусха)	Босма табоқ (минг лист хисобида)
1925	334	1508	6820
1926	606	2086	10859
1927	831	2022	10620
1928	740	2628	12700
Жами	2511	8244	40999

1917 йил октябрдан сўнг юртимиз маданий ҳаётида саводсизликни тугатиш, хотин-қизлар озодлиги, янги алифбога ўтиш, янги кишини тарбиялаш деб аталган масалалар билан боғлиқ маҳсус нашр этилган журналлар фаолияти совет мустамлакачилигини ўрнатиш, ягона партия хукмронлигини омма онгига сингдириш билан узвий равищда боғлиқдир. Чунки бу масалаларнинг барчасини амалга оширишда ўлкамизда чиқаётган журналлар айнан марказий журналлар- нинг йўлидан борди. Зотан, бундан ўзга чора ҳам йўқ эди. Айниқса, бу ўринда «Худосизлар» журнали марказий «Атеист» ва «Антирелигиозник» нашрлари каби иш кўрди.

Жадидларнинг матбуот органлари «Ал-Ислоҳ» ва «Ал-Изоҳ» 1918 йилнинг баҳорида барҳам топди. 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг ўзбек адабий-бадиий журналистикасини вужудга келтириш, Туркистондаги барча ижодий кучларни ўз атрофига тўплаш учун матбуот органи керак эди. «Инқилоб», «Янги йўл», «Ер юзи», «Аланга», «Маориф ва ўқитувчи», «Билим ўчоги» каби адабий-бадиий журналлар шу тарзда юзага келди. Бу журналлар ўзбек миллий адабиёти ривожига, маънавиятимизга хизмат қилиш имконини яратди.

«Инқилоб» — Туркистон коммунистик фирмасининг марказий комитети томонидан ойда икки марта чиқадиган сиёсий-иқтисодий ва адабий ўзбекча журнал бўлиб, 1922—1924 йиллар мобайнида Тошкентда нашр этилди. Журналга «Инқилоб» номи ҳам тасодифан берилган эмас, ҳақиқий инқилоб, яъни тўнтариш маъносида англамоқ зарур.

Журнал жуда мураккаб бир шароитда, империянинг буюк давлат шовинизми бош кўтарган, маданият жабҳамизда мафкуравий кураш авж олган, зиёлилар орасида ғоявий кураш кескинлашган бир даврда дунёга келган эди. У 2000—3000 нусха атрофида чоп қилинарди. Даставвал ойда икки марта чиқаришга мўлжалланган нашр матбаачилик ишлари қийин ахволдалиги, ўша даврда матбуот кечираётган оғир шароит туфайли ойда бир мартадан чиқариладиган бўлди. Баъзан эса унинг сонлари оралиғидаги вақт икки-уч ойга ҳам чўзилиб кетарди.

Журнал ишини йўлга қўйиш ва унга муҳаррирлик вазифаси Марказий комитет саркотиби **Назир Тўракуловга** топширилди. Таҳририят ишига тажрибали матбаачи ва журналистлар, ёш қаламкашлар жалб этилди. «Инқилоб»нинг дастлабки таҳрир ҳайъати таркиби Ходи Файзий, Шариф Бойчура, Булат Солиевдан иборат эди. Журнал материалларини тил жиҳатидан таҳрир қилиш учун котиб ёрдамчиси сифатида ёш ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий таклиф этилади.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ ўзбек адиларининг қуйидаги мазмундаги мактуби эълон қилинди, бу бежиз эмасди: Фашизм жаҳон маданиятига ажал олиб келмоқда. Одамлик қиёфасини йўқотган ёвузлар башарият тафаккурининг буюк обидаларини гулханда ёқкани ёдимиизда. Ҳануз фашизм чинакам эзгу санъатга ҳамроҳ бўла олмаслигини улар йиртқич ҳайвонларга хос сезги билан пайқаганлари учун ҳам шундай қилишди. Биз, Ўзбекистон ёзувчилари, мана шу даҳшатли уруш кунларида бутун ҳалқимиз билан бир жон, бир тан бўлиб, ғалаба учун курашамиз, найза билан қалам бизнинг қуролимиз бўлади, дедилар адиларимиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлисда сўзлаган бир нутқида шундай деганди:** «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси фоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юритининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари — Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих — бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғуур билан айтамиз, намоён қиласиз».

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 миллион 433230 киши сафарбар этилган эди. 1941 йили Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши бўлганини эсласак, республика халқи бошига тушган бу синов нақадар катта экани яққол кўринади. Агар ахолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак яроқли одамларимизнинг 50—60 фоизи урушга кетганининг гувоҳи бўламиз. Улардан 263005 киши ҳалок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ўз ўлкасига ногирон сифатида қайтган. Бу машъум уруш туфайли энг камида 400 минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор булган.

Ана шундай оғир йилларда ўзбек матбуотининг забардаст ёзувчи-публицистлари, жангчи шоир-журналистлари ва ўтюрак мухбирлари тиним билмай хизмат қиладилар. Халқнинг бутун куч-қудратини Ватан ҳимоясига сафарбар этишда шу даврда яратилган, фронт ва мамлакат ичкарисидаги бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Ҳаяжонли, жозибадор очерқ, лавҳа, мақолалар орадан салкам 60 йил вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам ўз ҳарорати, таъсир кучини асло йўқртган эмас. Уруш даврида нашр этилган қайси бир асарни ўқимайлик, вужудимизда туғёни ураётган ватанпарварлик инсонийлик каби ҳислар ўша давр матбуоти ходимларига бўлган ҳурматимизни оширади. 1941 йили Ўзбекистонда 183 газета ва 47 журнал чои қилинар эди. 1938—1941 йиллари 48 миллионга яқин нусхада 4378 номда китоб чиқарилган бўлиб, бунга 260 миллион босма табоқ қофоз сарф этилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек матбуоти, республикадаги нашриётлар гоявий, илмий ва бадиий савия учун курашни янада кучайтиришди. Лекин бу улкан муҳораба шу соҳадаги ишлар одатдаги тараққий топиб боришига ҳалақит берди. Кўпгина нашриёт ходимлари ва матбаа корхоналарининг ишчилари фронтга жўнашди. Бинобарин, китоб ва журнал маҳсулоти чиқариш камайди. Шунга қарамай, уруш даврининг оғир шароитларида ҳам, масалан, 1942—1945 йиллари 17 миллион нусха ва 1892 номда китоб нашр этилди, бунга 51 миллион босма табоқ қоғоз сарфланди.

Уруш муносабати билан матбаачилик соҳасида юз берган қийинчиликлар туфайли газета-журнал нашр қилиш жуда камайиб кетган бўлса-да, вилоят ва республика газеталари жанговар варақалар билан бир қаторда адабий тўпламлар — альманахлар чиқаришга катта эътибор берди. 1941 йилнинг июль ойидаёқ «Ўлим ёвга!», «Ватан учун», кейинроқ «Мард ўғил» (1942), «Шонли Ленинград» (1942), «Ўзбеклар» (1943), «Ғазаб қўшиклари», «Армуғон» (1944), «Ватан жонбозларига» (1944), «Қасам», «Ўзбекистан баҳодирлари» (1944), «Зафар» (1945) каби адабий-бадиий тўпламлар нашр этилди.

Уруш бошланганидан тамом бўлгунига қадар ўтган давр мобайнида матбуот саҳифалари ва тўпламлардаFaфур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Миртемир каби бир қатор ёзувчи-шоирлар яратган асарлар ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтди.

Муҳорабанинг дастлабки кунлариданоқ халқимизнинг фронт ва мамлакат ичкарисидаги ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги матбуотимизнинг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолди.

Уруш йиллари ўзбек матбуотининг жанговарлиги янада ошди, Ҳарбий мухбирлар сафи ёзувчилар, шоирлар, публицистлар ҳисобига анча кенгайди. Фронтлардаги ҳарбий қисмларда Султон Жўра, Мамарасул Бобоев, Парда Турсун, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Зиннат Фатхуллин, Ҳасан Сайд, Илёс Муслим, Маъруф Ҳаким, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Рахмат, Иброҳим Рахим, Шуҳрат каби ёзувчилар хизмат қилишди, ҳарбий мухбирлар сифатида жанг майдонларида бўлиб, жангчиларимизнинг бекиёс мардлигию фашистларнинг нақадар ёвузлигини, шафқатсиз қирғинлар натижасида жон берган ўғлонлар жасоратини ҳаяжонли, ҳаққоний лавҳаларда акс этгирисиди.

Жангчи ўзбек публицистлари ҳамма жанрларда фаол ижод қилишди. Мақола, очерк, лавҳа ва хат кўринишидаги публицистика айниекса, довруқ таратди. Етакчи публицистларимиз мамлакат ичқарисида ҳам, жанг майдонларида ҳам ана шу жанрлардан ғоят самарали фойдаланишди. Фашист босқинчиларига қарши олиб борилган урушнинг дастлабки кунлариданоқ ўзбек матбуоти инсониятни фашизм асорати хавфидан кутқариш учун курашда унга қарши турган кучларнинг ҳалоскорлик вазифасини кенг тушунтириб борди.

Фашизм билан бўлган урушдан кейинги йилларда ҳам илғор фикрли кишиларни сургун қилиш, йўқотиш давом этди. Бошқача фикрловчи одамларни қатағон қилиш Марказий Комитетининг 1946 йил августда чиққан «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги, 1947 йил март ойида қабул этилган шу руҳдаги бошқа қарорларидан сўнг янада кучайди. Аникроги, сиёсий тазиқларнинг янги босқичи бошланди.

**Дарҳақиқат, Юрбошимиз Ислом Каримов уқтириб ўтганлариdek:** «Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга — ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонқўрлик, беписандлик — ҳалқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид...

**Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожлар кечмади.**<sup>1</sup> Чунончи, 1949—1952 йилларда қўплаб машхур ўзбек ижодкор зиёллари ўринсиз равишида айбланиб, қатағон қилиндилар. Узкомпартия МКнинг 1949 йил 25 июндаги Бюро мажлисида бир гурух ёзувчилар миллатчиликда, эски феодал маданияти олдида бош эгишда, ўтмишни идеаллаштиришда айбландилар.

1951 йил январида миллатчиликда айбланган Ойбек, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Ёнғин Мирзо ва бошқа ижодкорлар ҳибсга олиниб, бир йилдан кейин ҳар бири 25 йилга ҳукм қилинди. Бир қанча олимлар, жумладан, файласуф В.Зохидов буржуа миллатчилигида, тарихчи А.Бобохужаев пантуркчиликда, иқтисодчи М.Аминов буржуа миллатчилари билан алоқада бўлганлиқда айбланиб, партия сафидан ўчирилди.

Москванинг партиявий-маъмурий тазиқ остида Узкомпартия марказкоми 1968 йил 9 октябрда «Ўзбекистон ёзувчилар жамоаси- нинг ўз матбуот органларига раҳбарлиги тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда «Шарқ юлдози», «Звезда Востока» журналлари ва «Ўзбекистон маданияти» газетасининг фаолияти қаттиқ танқид остига олинди.

### Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

- Пидаев Т.Р.- Ўзбекистон матбуотининг ўтмиш ва кечмиши.Ўзбекистон матбуоти,1996,2,3,5-сонлар
- Эрназаров Т., Акбаров А.. История печати Туркестана -Т.: Ўқитувчи, 1976.
- Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.:Шарқ, 2008
- Дўстқораев Б.Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.:2009

### Таянч ибора ва тушунчалар

**«Инқи lob»** — Туркистон коммунистик фирмасининг марказий комитети томонидан ойда икки марта чиқадиган сиёсий-иқтисодий ва адабий ўзбекча журнал

**Адабий-бадиий тўпламлар** – Уруш йилларида газета ва журналлар чиқаришнинг камайиб кетиши натижасида уларнинг ўрнини тўлдириш учун чиқарилган “Ўлим ёвга”, “Армуғон”, “Ватан чақириғига жавоб”, “Зафар” каби тўпламлар

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Истикдол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 118-бет.

## **Назорат саволлари**

1. 20-йиллардан кейин юртимизда чоп этилган газета ва журналлар ҳақида гапиринг.
2. Уруш йилларида қандай адабий-бадиий тўпламлар нашр қилинган?
3. Урушдан кейинги ўзбек матбуоти ҳақида нималарни биласиз?
4. Қайта қуриш ва ошкоралик даври матбуоти ҳақида нималарни биласиз?

## **Мустақил таълим**

1. Уруш ва урушдан кейинги йиллар матбуотини дарслик ва мавзуга алоқадор қўлланмалар орқали ўрганиш.

## **МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ. ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ ВА ФАН-ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ.**

### **РЕЖА:**

- Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августида Мустақил Республика деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакат журналистикасининг сифат жиҳатидан буткул янги демократик ривожланиш босқичига қадам қўйилганлиги. Республика оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратиш ва унинг миллий журналистика тараққиёти учун аҳамияти. Матбуотнинг “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши муаммолари, матбуотда янгича тафаккурга йўл очиб берилиши.
- Тип жиҳатидан кўп хиллиги билан фарқланадиган янги матбуот тизимининг шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис қонун чиқарувчи палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январидаги қўшма мажлисида қилган маъruzасида белгилаб берилган ОАВ вазифалари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари мазмуни ва асосий ғояси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мазмуни. И.А. Каримовнинг «Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асари мазмуни.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ҳаётида катта ўзгаришлар бўлгани каби ОАВ тизимида ҳам тубдан ўзгаришлар бўлди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ўзгаришларга учради. Матбуотда хусусий нашрларнинг юзага келиши, телевидение ва радиода хусусий каналларнинг очилиши ва бошқа янгиликлар юзага келди.

Ўзбекистонда интернет фаолияти 1997 йилдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишини ташкил этиши чора-тадбилари тўғрисида”ги карори Ўзбекистоннинг бу борада халқаро миқёсда ўз мавқеига эга бўлишига хизмат қилди.

Ўзбекистонда маълумотларни узатиш миллий тармоғи ЎзПАК Давлат компанияси ва ЎзНЕТ тармоғидан иборат.

Замонавий радионинг афзалликлари унинг ғоятда тезкор алоқа воситаларидан бири эканлигини, балки унинг ОАВ сифатида сиёсий, ижтимоий, маданий, маърифий тарбиявий восита эканлигига ҳамдир.

Марказий радиоэшиттиришлар турли каналларга бўлинади. Биринчи дастур “Машъал”, “Ёшлик” канали ва бошқалар.

Мустақиллик шарофати билан давлат тасарруфида бўлмаган радиостанциялар- “Гранд”, “Сезам”, “Ўзбегим таронаси”, “Хамроҳ”, “Орият”, Водий садоси”, каби радостнациялар фаолият юритмоқда.

Олий мажлистнинг қонунчилик фалатаси ахборот тарқатиш имкониятларини кенгайтириш учун ахборот агентликалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон телевидениесида ҳам турли ўзгаришлар бўлди. Давлат телекомпанияси билан бир қаторда нодавлат телевидение студиялари ҳам иш кўрмокда. Тошкент телевидениеси тўрт-“Ўзбекистон”, “ТОшкент” канали, “Ёшлар” канали, Халқаро каналлар бўйича кўрсатувлар олиб борилади. Тошкент телестудиясида “Сиёsat”, “Иқтисодиёт”, “Маърифат”, “Ахборот” ва бошка ички студиялар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфидаги “Жаҳон” ахборот агенлиги, нодавлат ахбюорот агентлик бўлмиш “Туркистон пресс” ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалариниг боқа турларига ахборот етказиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Президентининг 1992 йил, 5 февралдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган. Шу йиллар орасида у тубдан ўзгарди. Энг муҳим ўзгариш ЎзА материаллариниг мазмунғмоҳиятидаги ўзгариш бўлди, улар она тилимизда тайёрланадиган бўлди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йили 8-ноябрдаги қарори билан Ташқи ишлар вазирлиги хузурида ташкил этилди. Қарорда агентлик зиммасига хорижда кенг ҳамкорликка чорловчи, республиканинг сиёсатини очиб берувчи ахборот бюллетенлари, маълумотномаларини тарқатиш ва бошка кўплаб вазифалар юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 марта Фармонида Ўзбекистоннинг ҳукуматта қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, давлат ва давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлардан иборат ташаббус гурухининг “Туркистон Пресс” давлат тасарруфида бўлмаган ахборот агентлини ташкил этганликлари маъқулланди.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач, матбуот янгича, умуминсоний қарашлар асосида ўрганила бошлади.

Қонун оммавий ахборот воситаларини эркин фаолият юритишиларини, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланишларни кафолатлайди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Реклама тўғрисида” “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги каби қатор қонунлар қабул қилинди.

## 1. Мустақиллик давридаги ОАВ турлари:

1. Матбуот
2. Телевидения
3. Радио
4. Интернет
5. Ахборот агентликлари

## Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли -Т.: Ўзбекистон, 1992. - 326 б.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқот. 1998, 5-сон
- 3 Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.:Шарқ, 2008
4. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат -Т.: Ўзбекистон, 1992. - 326 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда -Т.: Ўзбекистон, 1999..
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш
8. Дўстқоев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи.- Т.:2009

### **Таянч ибора ва тушунчалар**

**Совет ҳокимиюти** - шўро ҳокимиюти

**Мустабидлик** – якка шахс ҳукмонлигига асосланган сиёсий тузум

**Мустақиллик** -давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши

#### **Назорат саволлари:**

1. Мастақиллик даврида қандай матбаа нашрлари чоп этилган?
2. Хусусий телекеналлардан қайсиларини биласиз?
3. Хусусий радиоканаллардан қайсиларини биласиз?
4. Қандай интернет тармоқларини биласиз?
5. 1991йилда матбуотда қандай ғоявий ўзгаришлар юз берган?
6. 1991йилда матбуотда қандай ғоявий ўзгаришлар юз берган?
7. Мустақиллик даврида чиқарилган янги нашрлар қайсилар?

#### **Мустақил таълим**

1. Ахборот агентликлари фаолиятини ўрганиш
2. Газеталарнинг ички тузилишини ўрганиш
3. Хусусий радио, ТВ фаолиятини ўрганиш

# СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

“Матбуот тарихи” курси машғулотларида талабалар билимини чуқурлаштириш, мустақил таълимни ривожлантириш, талабаларнинг таҳлил қилиш қобилияти ва нотикълик маҳоратини шакллантириб бориш мақсадида журналист-талабалар учун “Мозийдан кўрсатамиз” деб номланган

## ЯНГИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### МАЗМУНИ:

1. Маъруза ва амалий машғулотлар ибтидоси(бошланиши)да талабалар томонидан 3 саҳифадан иборат 3-5 дақиқалик анъанавий “*Мозийдан хабарлар*”(“*Ўзбек матбуоти тарихидан*”) туркум эшиттиришининг тайёрланиши.

#### Бунда:

2. “*Ўзбек журналистикаси мактаби*” намоёндалари” деб номланган “саҳифа”да талабалар ўзбек матбуоти тарихида самарали из қолдирган, етук публицистлар, журналистлар фаолияти хусусида таҳлил ва тавсиф асосида қисқача баёнот берадилар. “Лавҳа”да “қаҳрамон”(журналист-публицист)нинг ҳаёти, журналистик фаолияти, публицистик асарлари тематикаси ва мазмуни, тарихий ва замонавий аҳамияти таҳлил қилиниши керак.
3. “*Бир мақола шарҳи*” деб номланган “саҳифа”да эса журналист-талаба томонидан публицистикамиз тарихида катта эътиборга тушган, долзарб мавзудаги материаллар, (шунингдек, публицистик руҳдаги асарлар ҳам) давр руҳи ва ҳозирги замон қиёсида таҳлил қилинади. “Лавҳа”ни тайёрлашда талаба-журналист таҳлил қилинаётган материалнинг ёзилиш тарихи, мақола(ёки публицистик асарнинг)қисқача мазмуни, йўналиши, долзарблилиги, илгари сурилган ғоя, муаммо, материалнинг тарихий ва замонавий аҳамиятини очиб бериши керак.
4. “*Миллий матбуотимиз тарихидан*”(“*Даврий нашрлар таҳлили*”) деб номланган “саҳифа” талабалар томонидан 19 аср охири 20 аср давомида нашр этилган даврий нашрлар фаолияти хусусида тайёрланади. Бунда даврий нашр мундарижаси, руқнлар тематикаси, материаллар мазмуни, таҳририят ходимлари ҳақидаги статистик маълумотлар берилиши керак.

#### Таълим технологиясининг афзал томонлари:

Журналистик ахборот – телевизион лавҳа шаклида тайёрланиши талабалар учун қизиқарли бўлиши билан бирга уларнинг амалий тажрибалари ҳам юксалиб боришига ёрдам беради. Жумладан, журналист сифатида талабаларнинг нотикълик маҳорати ўсади(зеро, “лавҳа”ни тайёрлашда талаба ўзини чинакам тележурналист сифатида тутиб, жонли эфөр учун тайёрлаяпман деб ҳисоблаши керак), журналист сифатида амалий фаолияти яхшиланади, журналистика тарихи хусусидаги назарий билимлари такомиллашади, таҳлил қилиш ва муаммо ёки мавзуни замон билан боғлай олиш қобилияти ошади.

Шунингдек, “бир маълумотни бериш эвазига кўп маълумотни олиш” тизими ривожланади, яъни бир талаба томонидан тайёрланган “лавҳа”(журналистика тарихи хусусидаги маълумот) бутун аудиторияга етказилади. Бунда аудиториядаги бошқа талабаларда ҳам Ўзбек матбуоти тарихи хусусидаги назарий маълумотларни билиб боришлирга кўмак беради. Шу билан бирга янги таълим технологияси талабаларда тележурналист, радиожурналист ёки матбуот журналисти сифатида шаклланиб боришлирида дастлабки амалиёт мактабларидан бири бўлиб хизмат қиласди.

## **ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИННИГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ**

(Хоразмий, Форобий, Ибн сино, Беруний асарларида публицистика элементлари. “Қобуснома” шарқ бадиий публицистикасининг дастлабки нодир намунаси сифатида. Амир темурнинг “Темур тузуклари” асарида ижтимоий ахборот, публицистика белгилари. А.Навоий, З. М. Бобурнинг насрый асарларида бадиий публицистика ифодаси)

**Ташкилий қисм.** Саломлашув, йўқлама, уй вазифалариии сўраш – **15 дақиқа**

**Асосий қисм.** Амалий машғулот режаси билан таништириш. Режани ёздириш. Гуруҳларга бўлиш – **15 дақиқа**.

**Амалий машғулот жараёни.**(Умумий тўпланган баллар охирида тақсимланади. Ҳар бир гурух ўрта ҳолатда 10 тадан талаба) – Гурух **70** балгача, талабалар **7** балгача баҳоланади.

**1-босқич.** Тарабалар кичик гуруҳларда ишлашади. Ҳар бир гурухга 2 тадан ёзма топшириқ берилади. Ҳар бир топшириқ бўйича энг кўп маълумот ёзган гурух 10 балл, 2-ўрин 7 балл, 3-ўрин 5 балл билан тақдирланади. **Вақт – 8 дақиқа**.

**2-босқич.** Гуруҳларга тест саволлари тарқатилиади. 10 дона савол. Ҳар бир саволга 1 баллдан, гурух жами 10 балл йиғиши мумкин. **Вақт – 7 дақиқа**.

**3-босқич.** Гуруҳлар ўртасида “Заковат” ўйини ташкил этилади. “Заковат” ўйинида умумий 8 та савол. Ҳар бир саволга 5 очкодан. 40 балл йиғишлари мумкин. Ҳар бир гурух ўз жавобларини карточкага ёзадилар. **Вақт – 15 дақиқа**.

**4-босқич.** Капитанлар баҳси. Ҳар бир гуруҳдан **биттадан** вакил ўртага таклиф этилади. Улар кетма-кетликни сақлаган ҳолда навбати билан, берилган топширикларни бажаришлари керак.

**1. “Президент асарларини биласизми?”**

**2. “Қадимий публицистик асарлар”**

Ҳар бир гурух вакили навбати билан берилган саволларга кетма-кетлиқда жавоб беришлари керак бўлади. Тўхтаб қолган, жавоб беролмай қолган ёки маълумотни тақрорлаб қўйган вакил ютқизган ҳисобланади. **Вақт – 10 дақиқа**.

**Умумлаштириш, баҳолаш, хулоса. Вақт – 10 дақиқа.**

**ЖАМИ: 80 ДАҚИҚА.**

**Фойдаланиладиган янги методлар:**

**Топшириқлар.**

**1. Ҳар бир гуруҳлар бўйича саволлар. 8 дақиқа.**

а) Публицистика ва журналистика тушунчаларини фарқлаб турувчи асосий хусусиятлар нималар?

б) “Хамса” асарининг публицистик хусусиятларини сананг.

**2. “Тест” технологияси. Ҳар бир гурухга 10 тадан тест саволлари. (Ҳаммасига бир хил) 7 дақиқа.**

**3. “Заковат” ўйини. Умумий 7 та савол. Ҳар бир саволга 4 очкодан. Ҳар бир гурух ўз жавобларини карточкага ёzádi. 15 дақиқа.**

**4. Капитанлар баҳси. Жамоалар учун очко олиб бериш. Ютган гурух 10 балл билан, 2-үрин 7 балл билан 3-үрин 5 балл билан тақдирланади. 10 дақиқа.**

**“Заковат” ўйини учун саволлар:**

- Хурматли билимдонлар, маълумки, даврий матбуотнинг пайдо бўлишида мутахассислар томонидан турли омиллар келтириб ўтилади. Жумладан, профессор М.Худойқуловнинг фикрича, даврий матбуот жамият тараққиётининг шундай бир босқичида вужудга келадики, бунда:

*Биринчидан, ёзув пайдо бўлган ва ривожланган бўлиши керак;*

*Иккинчидан, аҳолининг кўпчилик қисми саводхон бўлиши керак;*

*Тўртинчидан, жамиятдаги ҳукмрон ва бошқа гуруҳлар, табақалар босма сўз воситаси билан сиёсий, иқтисодий, маънавий манфаат кўриши эҳтиёжини сезган бўлиши керак.*

Хурматли билимдонлар, мен ҳозир мутахассис томонидан даврий матбуот пайдо бўлган даврдаги 1,-2- ва 4-ҳолатларни санаб ўтдим. Санаб ўтилмаган 3-омилни 1 дақиқадан кейин Сизлардан эшитаман.

**Жавоб: 3-омил. Матбуотнинг техникавий асоси яратилган, босма дастгоҳ ва бошқа зарур асбоблар ишлаб чиқилган бўлиши керак.**

- “Авесто”даги фаргардлардан бирида шундай таъриф келтирилади: “Бу жараён бошланиши биланоқ девлар титрай бошлайди, бу жараённинг иккинчи босқичида девлар инграй бошлайди, учинчи босқичида девлар қочади, тўртинчи босқичида эса девлар ҳалок бўлади”. Хурматли билимдонлар, “Авесто”да тилга олинган бу жараённи барчамиз яхши биламиз, бу жараён бир томондан йил фасллари, иккинчи томондан эса бизнинг миллатимизнинг асрлар давомида шуғулланиб келган бир фаолияти билан боғлиқ. Агар бу фаолиятни тўғри тушунган бўлсангиз, унинг юқорида таъриф этилган тўрт босқичини санаб беринг.

**Жавоб: дехқончилик фаолияти. Ердан экин ўсиб чиқиши биланоқ, экин ўриб олинганда, хирмон кўтарганда, ҳамир қорилганда**

- Маълумки, “Бобурнома”нинг публицистик асар сифатидаги аҳамияти катта. Унда ҳозирги замонавий журналистикадаги портрет очерклар жанрини эслатувчи тарихий шахслар таърифи билан боғлиқ чизгилар мавжуд. Шундай чизгилардан бирида Бобур Хинди斯顿 юртига эга бўлиб, унда салтанат қурган уч подшоҳ ҳақида маълумот беради. Бу подшоҳлардан учинчиси сифатида ўзини, иккинчиси сифатида эса Султон Шаҳобиддин Ғурийни айтиб ўтади. Хурматли билимдонлар, ўлкамиз тарихида Хоразмшоҳлар давригача мавжуд бўлган катта бир сулоланинг асосчиси, “Бобурнома”да “Хинди斯顿 давлатига эга бўлган биринчи подшоҳ” сифатида таърифланган тарихий шахс ким эди?

**Жавоб: Султон Маҳмуд Газнавий**

- Хабарингиз бор, “Темур тузуклари”да турли публицистик ғоялар билан бирга демократик давлатни барпо этишда қўл келадиган баъзи ижтимоий фикрлар ҳам

илгари сурлади. Жумладан, ушбу асарга кўра давлат ишларининг бир улуши қилич билан, қолган 9 улуши эса у билан бажо келтирилур. Ушбу таърифда келтирилган, “у”ни топинг.

**Жавоб:** кенгаш, тадбир, машварат

5. Махмуд Кошгариининг “Девони луготит турк” асарида баъзи бир журналистик ахборот материаллари жамланганлигини биласиз. Жумладан, муаллиф айрим тарихий шахслар, афсонавий қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида тарихий хужжатларни ҳам келтириб ўтади. Бир ўринда у туркларнинг бир қадими қаҳрамони Алп Эр Тўнга исмини қайд этади. Ҳатто у билан боғлиқ бир марсияни ҳам китобига киритади. Бу қаҳрамон Таҳмураспдан 300 йил кейин Марвни бино қилган деб эътироф этилади. Юсуф Хос Ҳожиб эса бу исмни бошқача ном билан атайди. Юсуф Хос Ҳожиб ёзган ном эса Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам келтириб ўтилади. Ҳозирда бизда бу исм билан боғлиқ ҳудуд номи ҳам бор. Ҳатто бу ном бизда ҳозир илгаригидан кўра анча машхурроқ ва фаоллроқ қўлланмоқда. Бу бошқа бир иқтисодий-илмий ривожланиш билан боғлиқ. Ҳурматли билимдонлар, 1 дақиқадан кейин бу номни Сизлардан эшитамиш.

**Жавоб:** *Афросиёб*

6. Бизда бу мавзуда жуда кўп ёзишади. Ҳатто бу нарса билан боғлиқ мақоллар ҳам тўқилган. Бу нарсага Шарқ ҳалқларида гарчи салбий буюм сифатида қаралса-да, лекин бусиз ҳам жамият ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. 11 асрнинг машхур публицистларидан Кайковус ўз асарида бу нарсага шундай таъриф беради: “у...гулдек хушранг, хушбўй, машҳур ва азиздур ва лекин умри гулнинг умридек бебақо ва яроқсиздур”. Диққат савол, бу нарса нима?

**Жавоб:** *Дирам(пул)*

7. Маълумки, қадимда яратилган қўплаб дидактик асарлардаadolатли жамият ҳақидаги қарашлар мужассам бўлган. Қўплаб асарларда, жумладан, “Темур тузуклари”да, “Қобуснома”да, “Садди Искандарий” ва бошқа асарларда шу мавзу билан боғлиқ лавҳалар бор. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Кутадғу билиг” асарида давлатнинг мустаҳкам бўлиши учун 4 омилни санаб ўтади. Булардан биринчиси кучли лашкар қолган 3 тасини Сизлардан эшитамиш?

**Жавоб:** *бойлик, бадавлат ҳалқ,adolatli siёsat*

8. Алишер Навоийнинг қўплаб асарларида публицистик мулоҳазалар ўрин олган. Жумладан, “Ҳайрат-ул аббор” достонида ҳам ижтимоий фикрни тарбиялашга қаратилган катор сатрлар, таърифлар келтирилган. Дидактик рухда битилган бу асарда “ҳақиқий соғлом кишилардир” деган таъриф учрайди. Бу таъриф бир томондан ўкув тизимига, иккинчи томондан эса журналистик фаолиятга ҳам боғлиқлиги бўлган жисмоний кўринишдаги ҳолатни ифодалайди. Айтингчи, Навоий бу достонида “ҳақиқий соғлом кишилардир” деб қандай ишни тўғри бажарган кишиларни назарда тутади?

**Жавоб:** *хатни тўғри ёзадиган кишиларни*

## ТЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

1. Журналистиканинг тарихий илдизлари сифатида қайси ёзма публицистик манбаларни кўрсатиш мумкин?

  - 1) Кайковуснинг “Қобуснома”си
  - 2) З.М.Бобурнинг “Бобурнома”си
  - 3) Навоийнинг “Муншаот”и
  - 4) Ўрхун-Энасой обидалари
  - 5) “Темур тузуклари” асари
  - 6) “Фозил одамлар шахри” асари

A) 1,3,6  
B) 1,2,3,4,5  
C) 1,2,4,5  
D) барчаси қадими публицистик манбалар ҳисобланади
2. Манбаларда айтилишича, матбаачилик, диний тарихга кўра, инсониятга берилган учинчи улуғ неъмат ҳисобланади. Ҳарф ёзиш илми қайси пайғамбарга ато этилган эди?

A) Мусо алайҳиссаломга  
B) Шис алайҳиссаломга  
C) Идрис алайҳиссаломга  
D) Одам Атога
3. “*Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралигига, мана шу заминда умргузаронлик қилган ажододларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. Бу асар айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, буни ҳеч ким инкор этолмайди*”. Президентимизнинг ушбу таърифларида қайси мўътабар манба ҳақида гап кетмоқда?

A) “Алпомиш” достони  
B) Ўрхун-Энасой обидалари  
C) “Авесто” китоби  
D) “Куръони карим”
4. “*Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? Ўқин, пушаймон бўл, кўрлигинг, тақдиринг учун, тарбият қилган доно ҳоқонингга, емирилган, қўлдан кетган давлатингга. Ўзинг адашибинг, орага ёмонни киргиздинг. Куролли қаердан келиб тарқатиб юборди, наизали қайдин келиб суриб кетди? Борган ерда яхшилик шу бўлди: қонинг сувдай оқди, суягинг тогдай уюлиб ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди*”. Миллат манфаатлари йўлида курашган, ғалаба ва мағлубият аламларини тотган, келажак авлод тақдири учун қайғура олган юрт бошлигининг кўнгил фарёди сифатида ёзилган ушбу сатрлар қайси қадими публицистик манбадан олинган?


A) “Тўнюқуқ” битигидан  
B) “Култегин” битигидан  
C) “Билга хоқон” битигидан

- D) “Ирқ” битигидан
5. “...Яхши вилояти ва тумоноти бор. ...Тавр шахре воқе бўлубтур. Меваси кўп бўлур ва хўб бўлур, қовуни бисёр яхши бўлур. Мовароуннаҳрда ...(бу худуд )қовунича кўп ва хўб қовун бўлмас...” . **“Бобурнома”да келтирилган таърифдаги худуд номини аниқланг.**
- A) Андижон  
B) Кеш  
C) Бухоро  
D) Самарқанд
6. **“Темур тузуклари” китоби неча қисмдан иборат?**
- A) 2 қисмдан  
B) 3 қисмдан  
C) 4 қисмдан  
D) Китоб қисмларга бўлнинмаган
7. **“Қобуснома” асари неча бобдан иборат?**
- A) 34 боб  
B) 44 боб  
C) 54 боб  
D) 64 боб
8. **Қайси бири публицистикага оид таъриф ҳисобланмайди?**
- A) даврнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа долзарб масалаларига бағишлиланган адабий ижод тури  
B) Публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат.  
C) Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари Публицистиканинг предметидир  
D) ижтимоий фаолият тури
9. **Берунийнинг қайси асарида публицистика элементлари бор?**
- A) “Геодезия”  
B) “Куёш ҳаракатини аниқлаш йўли”  
C) “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”  
D) “Фозил одамлар шахри”
10. **Ғарбда публицистика элементлари қайси манбага бориб тақалади?**
- 1) Томас Морнинг “Утопия” асарига  
2) Томаззо Кампанелланинг “Куёш шаҳри” асарига  
3) Даниэл Дефо ва Жонатан Свифт асарларига  
A) фақат 3  
B) 2,3  
C) 1,3  
Д) 1,2,3

**мавзу - “ТУРКЕСТАНСКИЕ ВЕДОМОСТИ” ВА “ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ” МАВЗУЛАРИ ДОИРАСИ, ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАЛЛИФ ВА МУҲАРРИРЛАРИ**

**“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методидан фойдаланишда бериладиган саволлар:**

1. “Туркистон вилояти газетининг” биринчи мухаррири ким?
2. Фон Кауфман қайси нашрга муҳаррирлик қилган?
3. Туркистонда матбуот чоп этишдан мақсад нама эди?



**мавзу - ЖАДИДЛАР ПУБЛИЦИСТИКАСИ**

(С. Абдулғаффоров – публицист ва таржимон. М. Беҳбудий, М.Абдурашидхоновларнинг ноширлик, мухаррирлик ва публицистик фаолиятлари. Х.Х.Ниёзийнинг публицистик ижоди хусусиятлари. А.Асадуллахўжаев “Садои Туркистон” газетаси мухаррири ва етакчи публицисти сифатидаги фаолияти. А.Зоҳирийнинг журналистлик фаолияти. А.Фитрат - “Хуррият” газетаси мухаррири)

**мавзу - ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ФАШИЗМ БИЛАН БЎЛГАН УРУШ ЙИЛЛАРИДА**

*(Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда нашир этилган альманахлар. Ўзбек тилида фронт газеталари. Фронтга сафарбар қилингандай ўзбек журналистлари*

*фаолияти. 1946 – 1985 й.й. таниқли ўзбек публицистлари ижоди. 80 –й.й. 2 ярми – 90 й.й. ўзбек даврий матбуоти мавзулари ва жанрлари)*

## **мавзу - ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ФАШИЗМ БИЛАН БЎЛГАН УРУШ ЙИЛЛАРИДА**

**мавзу - МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.  
ЯНГИ ТИПДАГИ МАТБУОТ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.**

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Ўзбекистон журналистикаси тарихи қандай даврларга бўлинади?
1. Ўзбекистон журналистикаси тарихини даврлаштиришда қандай қарашлар мавжуд
2. Туркистондаги илк даврий нашр қайси?
3. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий муҳит қандай эди?
4. Матбуотининг юзага келиш омиллари қайсилар?
5. Чор ҳукуматининг мустамлака халқларга муносабати қандай эди?
6. Туркистонда туркий тилда чиққан дастлабки даврий нашр қайси?
7. Рус тилидаги хусусий нашрлар қайсилар ва улар қачон чиқарилган?
8. Туркистонда Телеграф агентликлари қачон пайдо бўлди?
9. Туркистонда матбуот устидан цензуранинг ўрнатилиши?
10. Рус маъмурлари томонидан чоп этилган дастлабки даврий нашр?
11. «Окраина» газетаси қачон, қаерда чиқарилган?
12. 1917 йили «Туркистон вилояти газети»га ким мухаррирлик қилган?
13. Шимолий телеграф агентлиги қачон ташкил этилди.
14. «Туркистон вилоятининг газети» қайси газетага илова тарзида чиқарилган?
15. «Бизнинг жаҳолат-жаҳли мураккаб» мақолоси кимники?
16. Жадидшунос олимлардан кимларни биласиз?
17. «Ўрта Осиёning умр гузаронлиги. Тараққий» газетаси мухаррири ким?
18. «Тараққий» газетаси қайси газетанинг базасида чиқарилди?
19. «Тараққий» газетаси қачон, қаерда чиқарилган?
20. «Ўрта Осиёning умр гузаронлиги. Тараққий» газетаси мухаррири ким?
21. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ойина» журнали мухаррири сифатидаги фаолиятига баҳо беринг
22. Маҳмудхўжа Беҳбудий публицистикасида қандай ғоялар илгари сурилган?
23. Мунавваркорининг «Садои Туркистон» газетасидаги фаолиятига баҳо беринг.
24. Мунавваркори публицистикасида қандай ғоялар илгари сурилган
25. Абдулла Авлоний қандай нашрларга мухаррирлик қилган?
26. Туркистонда илк шўро матбуотининг ташкилотчиси ким?
27. Шўролар томонидан чиқарилган биринчи ҳажвий журнал қайси?
28. Туркистонда 1917 йилгача чиққан нашрлар қайсилар?
29. Шўро ҳукумати даврида қандай матбаа нашрлари чоп этилган?
30. «Иштирокион» газетаси қачон ва қаерда нашр қилинган?

- 31.** Мехнаткашлар товуши» газетаси қайси газета базасида чиқарилган?
- 32.** «Хуррият» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
- 33.** Туркистонда мұваққат ҳукумат даврида матбутнинг юзага келишидаги омиллар қайсилар?
- 34.** «Хуррият» журналида фаолият юритган журналистлар кимлар?
- 35.** Мұваққат ҳукумати даврида қандай матбаа нашрлари чоп этилган?
- 36.** «Нажот» газетаси қайси газета базасида чиқарилган?
- 37.** Мустақиллик даврида қандай матбаа нашрлари чоп этилган?

## **ОРАЛИҚ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1.** Туркистонда түркій тилде чиққан дастлабки даврий нашр қайси?
- 2.** Матбуотининг юзага келиш омиллари қайсилар?
- 3.** Туркистонда Телеграф агентликлари қачон пайдо бўлди?
- 4.** «Турон» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
- 5.** Мұваққат ҳукумати даврида қандай матбаа нашрлари чоп этилган?
- 6.** «Нажот» газетаси қайси газета базасида чиқарилган?
- 7.** Мустақиллик даврида чиқарилган янги нашрлар қайсилар?
- 8.** 1917 йилдан жадидлар матбуотида қандай ғоявий ўзгаришлар юз берган?
- 9.** Хусусий телекеналлардан қайсиларини биласиз?
- 10.** Хусусий радиоканаллардан қайсиларини биласиз?
- 11.** Қандай интернет тармоқларини биласиз?
- 12.** 199 1йилда матбуотда қандай ғоявий ўзгаришлар юз берган

## **ЯКУНИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

### **1-вариант**

- 1.** XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий мухит қандай эди?
- 2.** Туркистонда рус тилидаги хусусий нашрлар қайсилар ва улар қачон чиқарилган?
- 3.** «Хуррият» газетаси қачон ва қаерда нашр қилинганды?

### **2-вариант**

- 1.** Рус маъмурлари томонидан чоп этилган дастлабки даврий нашр?
- 2.** «Бухорои шариф» газетасининг биринчи сони қачон чиқди?
- 3.** Шўро даври матбуотига баҳо беринг

### **3-вариант**

- 1.** Бухорода матбуотнинг юзага келишидаги омиллар қайсилар?
- 2.** Туркистонда матбуот устидан цензуранинг ўрнатилиши?
- 3.** Туркистонда чоп этилган дастлабки журналлар фаолиятига баҳо беринг

## **ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ ИБОРАЛАР**

**«Сарт»лар** – рус маъмурлари ўзбекларни шундай атаганлар

**«Кора қирғизлар»** - рус маъмурлари қирғизларларни шундай атаганлар

**Мустамлака** – Бошқа бир давлат томонидан босиб олинган эксплуатация қилинувчи мамлакат

**“Туркестанские ведомости”** - Туркистанда чор маъмурлари томонидан чиқарилган дастлабки даврий нашр

**«Туркистан вилояти газети»** - “Туркестанские ведомости” газетасига илова тарзида чиқа бошлаган Туркистандаги дастлабки туркий тилдаги даврий нашр

**Цензура** – матбуот устидан идора қилиб турувчи давлат идораси

**«Тараққий»** - Туркистандаги биринчи миллий нашр

**Тахририят**— ахборот тайёрлаш ва узатиш билан шуғилланадиган ташкилот, муассаса

**17 октябр манифести** – Инқилобий ҳаракатлардан қўркуувга тушган император Николай II 1905 йили 17 октябр манифести деб аталган ҳужжатга имзо чекишига мажбур бўлди. Манифестга кўра, Россия фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар (фирқалар) тузиш эҳтиёри ваъда қилингандир.

**Вассал** - қарам тебе одам, ёки давлат

**“Бухорои Шариф”**- Бухорода рабиуссоний 1330 хижрий -1912 мелодий 11 марта якшанба куни нашр бўлган газета

**“Турон”** – Бухорода 14 июль 1912 йилдан нашр қилинди.

**«Ойина»**-баринчи миллий журнал

**«Самарқанд»**- Самарқандда М.Беҳбудий томонидан 1913 йилда чиқарилган газета

**«Садоий Туркистан»** - Тошкентда Мунавварқори муҳаррирлигига чиқарилган газета

**Туркистан генерал губернаторлиги**-Россия империяси босиб олган ғарбий Туркистан худудида Александр II фармони билан ташкил этилган маъмурий-худудий бирлик.

**Туркистан Мухторияти** - Туркстон минтақасидаги дастлабки демократик ҳукумат(1917 й. 27 нояб -1918 йи. 19 фев.)

**Мувакқат ҳукумат** – (Россияда) император Николай II таҳтдан ағдарилигач барпо этилган 1- демократик ҳукумат

**Шўро ҳокимияти** – совет ҳокимияти

**Репрессия** – давлат органлари қўллайдиган жазо тури, қатағон қилиш

**Большевиклар** – Россия социал-демократик партиясида Ленин бошчилик қилған сиёсий оқим вакиллари

**Совет ҳокимиияти** - шўро ҳокимиияти

**Мустабидлик** – якка шахс хукмронлигига асосланган сиёсий тузум

**Мустақиллик**-давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши

**Масориф**-сарф-харажгаат

**Фирқа**-партия, гурух

**Машварат**-маслаҳат, кенгаш

**Қувваи ҳофиза**-ёдда сақлаш қуввати

**Жаҳли мураккаб**-ўзи билмаган нарса ҳақида билағонлик қилиш

**Иттиҳоди миллий**-миллий бирлик

**Вақф**-мадрасалар, масжидларни иқтисодий қўллаш учун маълум бир шахс ёки жамоа томонидан ажратиб берилган ер, мулк

**Дохилия**-ички

**Ижобати диния**-диний тартибларга амал қилмоқ

**Муқобала**-қарши чиқиш, қарши туриш

**ОГПУ**-Бирлашган давлат сиёсати бошқармаси

**“Таржумон”**-Кримда И.Гаспиринский томонидан чиқарилган газета

**Беҳбудия кутубхонаси**-Самарқандда Беҳбудий томонидан ташкил этилган кутубхонаси

**Мустабидлик даври журналистикаси** – Туркистонда чор ва Шўро ҳокимиияти давридаги матбуот

**“Падаркуш”**-Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб драматик асар

**“Оқ елпоғичли Чинли хотун”**- Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб ҳикоя

**“Биринчи муаллим”**-Абдулла Авлоний томонидан ёзилган

**Шўрои ислом**-Тошкентда жадидлар томонидан ташкил этилган жамият

